

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Хурматли маҳалла раислари, азиз маҳалладошлар!
«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да
таҳририят ижодкорлари сизлар учун ажойиб янгиликка қўл урди.

2022 йилнинг июль ойидан бошлаб,
мамлакатимиздаги 9 349 та маҳалланинг ҳар бири учун
ҲАФТАДА 1 МАРТА «Mahalla» газетаси,
ҲАР ОЙДА 1 МАРТА «Mahalla ko'zgusi» журнали
1 донадан тақдим этиб борилади.

Газета ва журнал саҳифаларида Сиз маҳалла ҳаётига дахлдор бўлган
долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар билан танишасиз.
Маҳалла раисларининг илғор тажриба ва ютуқлари, муаммолари билан ўртоқлашасиз.
Ўз навбатида ҳар иккала нашр Сизнинг яқин ҳамкорингиз ва минбарингизга айланади.*


**ЗЕРО, ДУНЁҚАРАШНИ ЎЗГАРТИРМАЌДАН
ТАФАККУРНИ ЎЗГАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ!**

Mahalla



www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolis_nazar

ШАНБА, 2 ИЮЛЬ 2022 ЙИЛ | №26 (2060)



**ПРЕЗИДЕНТ
ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИГА
ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРДИ**

*...ва, албатта, биз ҳам 2022 йилнинг II-ярим йиллиги (июль-декабрь) учун
обуна бўласиз, деган умиддамиз.

**ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ «Mahalla»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...**

(Газета ва журнал сонларини туман (шаҳар) Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимидан сўранг).

КУН НАФАСИ

Президент ёшлар етакчиларига юксак ишонч билдирди

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан «Янги Ўзбекистон» боғида ўтаётган байрамга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриклар, нутқ сўзлади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчилари ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирга қадар «Ёшлар дафтари»га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбари байрамга янги чоралар билан келганини таъкидлаб, ёшлар учун яратилажак қўшимча имкониятларни эълон қилди.

Хусусан, «Ёшлар дафтари»да кўзда тутилган имтиёз ва энгилликлар энди 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этила-

ди. Имтиёзлар сони ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир мартаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажатини давлат ўз зиммасига олади.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги, бахшичилик ва фортепиано йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилди. Техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробарга оширилади. Улар учун таълим кредити жорий қилинади.

Президент ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Тадбиркорлик дастурларига 220 минг

нафар, касб-хунар ўрганишга 130 минг нафар, давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жалб этилиши таъкидланди.

Маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизлар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилган. Энди мазкур олимпиада ҳар йили 2 марта ўтказиб борилади. Китобхонликни янада кучайтириш мақсадида маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик танлови, «Заковат» ва бошқа интеллектуал ўйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар haftaда — маҳалла кесимида, ҳар ойда — туман миқёсида ва ҳар чоракда вилоят даражасида ўтказиб борилади. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидаги маҳаллалар, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, таълим муассасасида спорт турлари бўйича жамоалар тузилади. Бундан буён барча спорт мусобақалари «маҳалла — туман — вилоят — республика» занжири асосида ташкил этилади.

— Албатта, бундай ишларни амалга ошириш маҳалладаги ёшлар етакчиларидан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этади. Мен ёшлар етакчилари тимсолида бўлажак ҳокимлар ва вазирларни, йирик банк ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар лидерларини кўраман, — деди Президент.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

СЕМИНАР

Конституцияда маҳалланинг ўрни ўзгарадими?

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди

Маълумки, жорий йил 25 июндан 5 июлга қадар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Айни пайтда лойиҳа бўйича кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдириляпти.



Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигида бўлиб ўтган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси Шухрат Бафоев, вазир ўринбосарлари ҳамда марказий аппарат ходимлари, бошқарма вакиллари ва маҳалла раислари, 208 та туман (шаҳар) бўлимларидан 1 040 нафар раҳбар ва ходим, 2 080 нафар маҳалла фаоли, жами 3 минг 553 нафар иштирокчи очиқ мулоқотга киришди.

Қайд этилганидек, янгилаётган Конституция мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юрти-

миз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим. «Инсон қадри учун» ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган «инсон-жамият-давлат» деган ёндашувни Бош қомусимизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаёти-мизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур.

Айтиш керакки, Конституциявий қонун лойиҳаси Бош қомусимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартишлар киритишни назарда тутди. Бундан ташқари, 6 та янги модда билан 16 та янги норма киритилмоқда. Тадбирда мазкур нормалар ҳақида сўз бориб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбир-

корлик ва ерга оид масалалар, оила, меҳнат муносабатлари, суд-ҳуқуқ соҳаси, таълим, тиббиёт ва экология ва бошқа кўплаб йўналишларда таклиф этилаётган ўзгартиришлар, уларнинг ўртага ташланиши сабаблари атрофича таҳлил этилди. Ушбу конституциявий ислохотларнинг бош замири инсон қадри мужассам экани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, бевосита халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва маҳаллалар фаолиятига оид таклиф этилаётган қўшимча ва ўзгартишлар — 100-, 101-, 102-, 105-моддаларнинг мазмун-моҳияти бўйича кўплаб фикр-мулоҳазалар, қўшимча таклиф ва тавсиялар билдирилди.

— Амалдаги Асосий қонун-

нинг 35-моддасида ҳар бир шахснинг ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган, — дейди Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош юрист-консулти Наргиза Фахриддинова. — Биз ана шу нормада шахс ва маҳалла ўртасидаги муносабатлар тизими кенгаётганини ҳисобга олиб, фуқароларнинг маҳалла идорасида ариза, шикоят ва таклиф билдириш ҳуқуқини мазкур моддада мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаймиз. Бундай конституциявий ҳуқуқ шахсга ўзи ва бошқалар билан биргаликда, яъни жамоавий тарзда нафақат давлат органлари, муассаса-

лари ёки халқ вакилларига, балки ўзи истиқомат қилаётган маҳалласига мурожаат қилишни конституция даражасида кафолатлашга олиб келади.

Айтиш керакки, мамлакатимиздаги мавжуд 9 349 та маҳалладан 3 минг 190 та таклиф келиб тушгани Конституциянинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида тизим вакиллари, жумладан, жамоатчиликнинг ислохотлар жараёнига бефарқ эмаслиги, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалаётганидан далолат беради.

Юқоридаги каби тадбирлар барча ҳудудларда, туман ва шаҳар марказларида, маҳаллаларда ташкил этилмоқда.

С.ИСМАТОВ.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

ИНСОН ҚАДРИНИ АНГЛАШ ВА ТУШУНИШ АСЛИДА МУАММОНИНГ ЕЧИМИДИР



Президентимиз топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Қашқадарёда ўтаётган оммавий қабуллари инсон — давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча ана шу буюк мақсаднинг бош мазмуни, манбаи ва энг олий қадрият бўлиши лозимлигини яна бир бор исботлаб бермоқда. Мурожаатчиларга масаласи бўйича имкон қадар шу ернинг ўзида аниқ ечим ва амалий жавоб топишга ҳаракат қилинмоқда.

Халқ қабулхоналари, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардаги ўттизга яқин идоралар, вазирликлар ва қўмиталар раҳбарлари кўтарилган масалаларни ҳудудий масъуллар ва мурожаатчи иштирокида синчиклаб кўриб чиқар экан, муаммонинг энг мақбул ечими, аввало, инсонни тинглаш, инсонни тушунидан бошланишига амин бўляпмиз.

Қабуллар жараёнида тадбиркорлик, кредит ажратиш, меҳнат ва бандлик йўналишидаги ҳар бир масалани ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, бир инсоннинг ишли бўлиши — бир оиланинг даромадли бўлиши деганидир. Косонлик тадбиркор Сардор Мўминов давлатимизнинг айнаи шундай эътибори боис кредит олиб, «Этак» маҳалласида 90 ўринли мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйди. Бу калги мулоқотларда эса унинг қандолатчилик цехи ва иккита сунъий қопламали ўйингоҳ қуриш учун кредит ажратиш билан боғлиқ масаласи ҳал қилиб берилди.

Ғузур туманидаги «Жонбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Худойбердиев ҳудудда давлат-хусусий шериклик асосида «Жонбулоқ пахлавонлари» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти барпо этиш юзасидан тадбиркорга амалий ёрдам бериш бўйича мурожаати жойида ҳал қилинди. Нодавлат болалар боғчаси барпо қилиш учун тадбиркорга 7 йилга икки йиллик имтиёзли давр билан 2 миллиард сўмдан зиёд 5 фоизли кредит ажратилганидан бўлди. Бу билан 17 та янги иш ўрни яратилади, жонбулоқлик 100 нафар бола мактабгача таълимга қамраб олинади.

Мактабгача таълим тизимида 27 йил ишлаган қамалилик Райҳон Холмуродова эса ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилганини айтди экан,

бу масалани адолатли, қонуний ҳал қилишни сўради. Ўрганишлар мурожаатчи қонунан ҳақ эканини кўрсатди ва шу боис Райҳон опа ишга тикланадиган бўлди.

Шунингдек, қаршилиқ Наргиза Элиева тумандаги 9-мактабгача таълим ташкилотига психолог вазифасига ишга қабул қилинди. Қарши давлат университети сиртки бўлимнинг 4-босқич талабаси Дурдона Йўлдошева эса Деҳқонобод туманидаги 28-мактабда биология фанидан дарс берадиган бўлди.

Автомобиль йўллари қўмитаси масъулларига мурожаатдан сўнг қаршилиқ Баҳодир Абдуллаев ва ғузурлик Баҳодир Нормуродов Ғузур йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасига ишга қабул қилинди. Худди шундай мурожаатлар асосида деҳқонободлик Шоҳсанам Ражабова ва Матлуба Маҳмадалиева туман бандликка қўмаклашиш тизимига ишга жойлаштирилди, ғузурлик 6 нафар ишсиз хотин-қиз касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди. Иш масаласида мурожаат қилган яна ўнлаб ёшларни эса кунни кеча Қарши шаҳрида иш бошлаган ёшлар кичик саноат ва тадбиркорлик зонасига шогирд сифатида бириктириб, уларга касб-ҳунар ўргатиш ва ишли қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Мулоқотларда сув, йўл, газ, коммунал соҳалар бўйича ҳам қатор масалаларга ечим топилмоқда. Дейлик, қаршилиқ Саодат Тўраеванинг Сув хўжалиги вазирлиги масъулларига мурожаати жойига чиқиб ўрганилгач, туманнинг Арабхона-2 массивидан ўтган йили «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»даги 13 нафар кишига деҳқончилик қилиши учун ажратилган жами 10 гектар ерни суғориш масаласи ҳал қилиб берилди.

Қарши шаҳридаги «Гунгон» маҳалласида яшовчи Дилмурод

Мирзаев Автомобиль йўллари қўмитаси масъулларидан маҳалласидаги Хўжапана кўчасини таъмирлашда амалий ёрдам сўради. Мурожаат жойига чиқиб ўрганилгач, Хўжапана кўчасига қум-шағал тўшаб берилди. Қишгача бу кўча бир қор-у ёмғирни кўргач, мустаҳкам тош қопламали йўлга айланади. Келгусида эса бу

сўнг бу масала тегишли маҳаллий дастурга киритилиб, тез орада ҳал қилиб бериладиган бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар ва Нишон туман судларининг шаҳардаги жазони ижро этиш муассасаларида ўтказган сайёр суд мажлисларида маҳкумларнинг 9 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган бўлса, 16 нафарининг жазоси енгилроғига алмаштирилиб, жами 25 нафар маҳкум оиласи бағрига қайтарилди. 60 нафари умумий тартибли калониядан манзил калонияларига ўтказилди. Тошкентлик 29 ёшли Абдулла Аъзамов мамлакатимиздаги инсонларварлик сиёсати боис бугун озод, эркин ҳаётга қайтди.

«Инсон қадри» ва «ижтимоий давлат» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги мазкур оммавий қабулларда яна бир бор ўз исботини топмоқда. Мазкур мулоқотларда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари»дан ўрин олган 8 нафар қўмакка муҳтож инсонларга даволаниши, талаба фарзандларининг контракт тўловларини тўлаши учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 3-8 миллион сўмдан маблағлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Қарши шаҳри ва Ғузур туманидаги оммавий қабулларда 1 минг 359 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 304 таси жойида ҳал қилинди, 495 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 560 та масала бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ҳамда Халқ қабулхоналари назоратига олинди.

Бу каби очиқ-жонли мулоқотлар Шаҳрисабз шаҳри, Чирокчи ва Касби туманларида ўтказилди.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

КУН НАФАСИ

Қурбон ҳайити 9 июль куни нишонланади



Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 1 июлда «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади. Унга кўра, жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 9 июль – шанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарор асосида мамлакатимизда шу сана Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонланади.

Қарорга кўра, Президентнинг 2021 йил 20 декабрдаги «2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-35-сон Фармони билан 2022 йил 11-12 июль кунлари дам олиш кунлари сифатида белгилади. Шунга кўра, ўзбекистонликлар иш ҳафтасининг туридан қатъи назар кетма-кет 4 кун дам олишади.

Жумладан:

- ✓ 9 июль (шанба) – Қурбон ҳайити байрами;
 - ✓ 10 июль (якшанба) – дам олиш куни;
 - ✓ 11 июль (душанба) – барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни;
 - ✓ 12 июль (сешанба) – 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун қўшимча дам олиш куни, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун 16 июль (шанба)дан қўчирилган дам олиш куни.
- Халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бири бўлган муборак Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида

инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари аъёна ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мужассам. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний аъёналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

Қарорга кўра, юрдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратилади. Жумладан, «Uzbekistan Airways» байрам муносабати билан 2022 йил 9 июлдан 12 июлгача маҳаллий авиақатновларнинг барча турдаги тарифларга 50 фоиз чегирма эълон қилди.

СЕМИНАР

Маҳалла раислари малака оширишни бошлади



Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 16 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва шу асосда тасдиқланган Тадбирлар режасига мувофиқ, сайловдан сўнг маҳалла раисларини ўқитиш, билимини ошириш бўйича ўқув-семинарлари ташкил этиш белгиланган. Айни пайтда мазкур жараёнларга старт берилди.

Айтиш керакки, жорий йил май ойида янги сайланган 9 349 нафар маҳалла раисларининг маҳалла институтини ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш тизимини шакллантириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг муаммоларини маҳаллада ҳал этишдаги устувор вазифаларига қаратилган ўқув-семинар дастури ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга кўра, ўқув-семинарлари жорий йил 27 июндан 6 августгача ўтказилади.

Ўқув-семинарлар икки босқичда ташкил этилади:

✓ **биринчи босқичда** — 27-29 июнь кунлари Давлат бошқарув академиясида жами 182 нафар вазирлик ва идоралар ҳамда олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари таркибда тренер-модераторлар тайёрланади;

✓ **иккинчи босқичда** — 1 июль-6 август кунлари 9 349 нафар маҳалла раислари бевосита ҳудудлардаги давлат ОТМларида ўқитилади. Бунда маҳалла раислари 25 нафардан гуруҳларга бўлинган ҳолда, бир ҳафтага мўлжалланган ўқув-семинар дастури асосида, бевосита

ҳудудларда (on-line эмас), яъни Тошкент ва Нукус шаҳридаги ҳамда вилоятлар марказларидаги таянч олийгоҳларда ўтказилади.

Семинарнинг ўқув дастурида — маҳалла раислари билишлари лозим бўлган 18 та асосий мавзулар тайёрланди. Мавзуларда маҳалла тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳалла раисларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳалладаги бешлик (ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика но-зири) билан яқдилликда ҳамда ҳокимлар,

“

Ўқув-семинарларнинг охириги куни маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тайёрланиб, тақдимот қилинади ва ўқитилган мавзулар бўйича тест синови ўтказилади.

сектор раҳбарлари, маҳаллий кенгаш ва давлат органлари билан ҳамкорлигида доир барча ташкилий ва амалий масалалар батафсил ёритилади.

Шунингдек, маҳалла тизимига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, тегишли фармон ва қарорлар, бугунги ислохотлар жараёнида маҳалла раисларининг ўрни ва роли, маҳаллабай ишлаш механизми, маҳалла раисларининг кекса ва фахрийларнинг фаоллигини ошириш, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантиришдаги вазифалари, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» ва «Меҳр дафтари» орқали аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ва шу кабилар бўйича маълумотлар берилади.

Таклиф этилаётган ўқув-семинар дастури 36 соатга мўлжалланган бўлиб, мавзулар интерфаол усулда, семинар-тренинг, амалий машғулот ва давра суҳбатлари тарзида ёритиб берилади.

Семинарлар давомида маҳалла раисларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишда сектор раҳбарлари билан ҳамкор-

лигини таъминлаш мақсадида ҳар куни битта вилоят сектор раҳбари билан давра суҳбатлари ўтказилади. Ўқув-семинарларнинг охириги куни маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тайёрланиб, тақдимот қилинади ва ўқитилган мавзулар бўйича тест синови ўтказилади.

27-29 июнь кунлари Давлат бошқаруви академиясида маҳалла раисларини ўқитиш бўйича олий таълим муассасалари, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармаларидан жалб этилган тренер-модераторларни тайёрлаш бўйича ўқув-семинари ўтказилди. Унда жами 182 нафар вазирлик ва идоралар ҳамда олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари иштирок этди. Энди улар жойларда ташкил этиладиган семинарларда маҳалла раисларига ўқувлар ташкил этишади.

Алишер ТҲҲИЕВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла институтини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи.

ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯ

Ўтган йиллар мобайнида аҳоли, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» орқали ўн минглаб фуқароларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланди. Биргина 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилган. 320 минг нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. 190 минг нафар аёл эса касб-хунарга ўқитилди. 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди.



Моҳиятга эътибор бермасдан муаммони ҳал этиб бўлмайди

Албатта, ҳисоботларни яна узоқ санаш мумкин. Масалан, 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълимга қабул қилинган, натижада ўтган йили олий ўқув юрларига кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этгани юқоридаги фикрларимиз исботи. Умуман, 2020 йилдан бошлаб, «Аёллар дафтари» тизими асосида 900 минг нафарга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилган.

Шунга қарамай, тизимда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Масалан, ҳозирги кунда «Аёллар дафтари»да 630 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатда турибди, улардан 200 минг нафари ишсиз. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилада зўравонлик ва таъйиқ ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам бор.

Кунни кеча Президентимиз томонидан имзоланган «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жаддалаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарор шу пайтгача амалга оширилган ишларни мустаҳкамлаш, ислохотларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган.

— Қарорга кўра, 2022 йил 1 июлдан Маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматларни ташкил этиш тизими босқичма-босқич жорий қилинади, — дейди Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Севара Ўринбоева. — Маҳаллаларда комплекс ёндашув тизими асосида ижтимоий хизматларни жорий қилишни мувофиқлаштириш бўйича республика штаби иш бошлайди. 2022 йил 1 ноябргача маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ҳар 2 ҳафтада ҳудудий штабларга ўз ҳудудидаги вазият юзасидан маълумотлар тақдим қиладилар. Маълумотлар хонадонлар аҳволи, оилаларнинг ижтимоий хизматларга эҳтиёжи, оилаларга аниқ ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича таклифлар, мураккаб операциялар, ногиронларнинг протез-ортопедия буюмларига эҳтиёжи бўйича ҳолатни қамраб олиши лозим.

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига БҲМнинг 4 баробаридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

МУАММО ИККИ КУНДА ҲАЛ ЭТИЛАДИМИ?

Албатта, йўқ. Барча муаммолар икки кунда ҳал бўлиб қолавермайди. Аммо ташкил этиладиган ҳудудий штаблар уларга топширилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда 2 кунда мувофиқлаштириш штабига юборишлари керак бўлади. Мувофиқлаштириш штаби маълумотлар асосида 3 кунда ҳақиқатда ижтимоий хизматга эҳтиёжманд бўлган оилаларга манзилли ижтимоий хизмат кўрсатилишини ташкиллаштиради.

КАСБ ЎРГАНИШ — ИШСИЗЛИКНИ ТУГАТИШНИНГ БИРДАН-БИР ЙЎЛИ

— 20 йилдан буён маҳаллага раислик қиламан, — дейди Учкўприк туманидаги «Баҳрин» маҳалласи раиси Сабоҳон Сиддиқова. — Тизимдаги кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлганман. Қайсидир ислохот ишимизга фойда келтирган бўлса, бошқаси чаппача натижа берган. Жумладан, хотин-қизлар орасида ишсизликка барҳам бериш масаласида кўплаб тажрибалар амалга оширилди. Кўп йиллик маҳалла раиси сифатида «қўлдан берганга қўш тўймайди» мақолини тўғри деб биламан. Ишсизликка барҳам бериш учун аёлларни, албатта, касбга ўқитиш керак. Шунда оилавий шароити яхшиланади. Ўзига ишонч пайдо бўлади. Уйдаги ўрни ошади. Хуллас, бу кўплаб муаммоларнинг ечимидир. Президентимиз қарориде ашу шу масалага алоҳида урғу берилгани менга, айниқса, ёқди. Тўғри, масала авваллари ҳам кўтарилган, аммо бу галги қарорда барчаси

аниқ равшан кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, қарорга кўра, 2022-2023 йилларда республика бўйича жами 827 минг 780 нафар (шундан жорий йилда 383 минг 565 нафар) хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилган. 2022 йил 1 августдан дастлаб Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларда «Маҳаллада ижтимоий хизмат» модули орқали ижтимоий хизматлар (2022 йил 1 ноябрдан республиканинг бошқа барча маҳаллаларида) кўрсатиш тизими жорий этилади. Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига БҲМнинг 4 баробаридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

Бу ўзгаришлар, янги тизим муаммонинг туб моҳиятига кириб боргани билан аҳамиятлидир. Зеро, масалага очик кўз билан қарамасдан уни ҳал этиб бўлмайди.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«Ҳамжихатликда ҳудудимизни янада обод қиламиз»

Маҳалламизда сайлов жараёнлари қонунчилик талаблари асосида ташкил этилди. Унда аҳоли томонидан илгари сурилган номзодлар орасида маҳалладошларим мени раисликка муносиб кўришди. Бундан, албатта, хурсандман ва зиммамга юклатилган вазифани масъулият билан бажаришга ҳаракат қиламан. Иш фаолиятини маҳалла ходимлари, аҳоли билан ҳамфикр юритишга интиламан.

Маҳалламиз ҳақида икки оғиз гапирсам. Ҳудудимиз вилоят марказидан 70 километр узоқликда жойлашган. Унинг ташкил этилганига қарийб 5 йил тўлапти. Йиғинда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аввал бу ерлар кумлоқ, тошлоқ жой эди, мана, йилдан-йилга ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жорий йил бошидан «Обод маҳалла» дастури амалга ошириляпти. Ўтган давр ичида уй-жойларнинг фасад қисми таъмирланди, электр устунлари янгисига алмаштирилди, ҳудуд тоза ичимлик суви билан таъминланди. Одамларни қийнаб келаётган

йўл билан боғлиқ муаммолар ҳам бартараф этилмоқда. Ҳозирда маҳалламиздаги қарийб 16 километр йўлларни асфальтлаш ва бетонлаш ишлари якунланяпти. Яқинда Туркия технологияси асосида маҳалламиз ҳудудида бетон заводи иш бошлади. Бу эса йўлларни бетонлаш ишларида маҳсулотни узлуксиз етказиб бериш имкониятини яратмоқда. «Анджон тажрибаси» ўлароқ, йўлларимизнинг бетонлаштирилаётгани ҳам қўлайлиги, ҳам сифатлилиги, ҳам арзонлиги билан аҳамиятлидир. Режага кўра, маҳалламизда 8 километрга сув қувури ва 21 километрга электр сими тортилади, битта янги

трансформатор ўрнатилиб, 56 та эски симёғочлар алмаштирилади, 1,4 километр пиёдалар йўлаги бунёд қилинади. Шунингдек, битта кўприк таъмирланиб, иккита болалар майдончаси, битта мактабгача таълим ташкилоти, мактаб қурилади. Хуллас, маҳалламиз қисқа фурсатларда обод ва фаровон масканга айланади. Шунга монанд сайлов дастурида ҳудудда хизмат кўрсатишни кенгайтириш, савдо шохобчаларини қуриш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари мужассам эди. Қолаверса, «Обод ва хавфсиз» маҳалла тамойилини кенг жорий

этиш, янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган бошқа лойиҳаларни амалга ошириш ниятимиз бор. Энг муҳими, буларнинг барчасини халқимиз билан бамаънафат, уларнинг фикрини инобатга олган ҳолда, амалга оширамиз. Зеро, фақат маҳалланинг ўзи ҳеч нарсага улгурмайди. Ҳамжихатлик, ўзаро тотувлик билан маҳалламизни янада обод қиламиз.

Багамбек ДУРДИЕВ,
Ҳазорасп туманидаги
«Қиртепа» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

МОҲИЯТ

ЕР БЎЙИЧА ЯНГИ ҚОНУН:

«СНОС» ВА КОМПЕНСАЦИЯ МУАММОСИ БАРҲАМ ТОПДИ

«Снос» масаласи яқин йилларгача энг «бошоғрик» муаммолардан бири бўлиб келди. Афсуски, компенсацияни қоплаш учун маблағ бор ёки йўқ эканига қарамай, «ура-ура»чилик оқибатида қисқа вақт ичида қўлаб хусусий мулкларга зарар етказилди, айримларда хусусий мулк дахлсизлигига бўлган ишонч синди. Айрим ҳолларда етказилган зарарларни қоплаш кўпгина режаларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.



2022 йил 29 июнда Президент томонидан имзоланган «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун бу каби чигалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қонун билан ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган мақсадларнинг тугал рўйхати тасдиқланди. Шу билан бирга, компенсация турлари ва уларни тўлаш тартиблари белгиланди.

ЕР ФАҚАТ 6 ТА ҲОЛАТДА ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН

Ер участкаларини қуйидаги мақсадларда компенсация эвазига олиб қўйиш жамоат эҳтиёжлари, деб эътироф этилади:

- ✓ мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

- ✓ халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

- ✓ фойдали қазилмалар конларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари мустасно);

- ✓ Республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ҳамда авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика ва алоқа тизимининг муҳандислик объектлари ҳамда тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш);

- ✓ тасдиқланган аҳоли пунктлари бош режаларининг объектларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуришга оид қисмини бажариш;

- ✓ давлат инвестиция дастурларида кўрсатилган давлат таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳамда иншоотларини марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуриш назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш.

Ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш тақиқланади.

ВАЗИР ҚАНДАЙ МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ?

— Узоқ давом этган баҳс-мунозара-лардан сўнг демократик жараёнлар чигиринидан муваффақиятли ўтган мазкур қонун халқимизни бир неча йилдан буён қийнаб келган муаммоларга барҳам беришига ишонамиз, — дейди Адлия вазирини Русланбек Давлетов. — Энди ер участкаси жамоат эҳтиёжларини амалга ошириш учун бошқа чора бўлмаганда – энг сўнгги чора сифатидагина олиб қўйилиши мумкин. Энг муҳими, ташаббускор ер участкасини олиб қўйиш энг сўнгги чора эканини маҳаллий Кенгаш ва жамоатчилик олдидан исботлаб бериши керак бўлади. Қолаверса, энди «снос»га тушган бино учун компенсация тўлашга зарур маблағ бўлмаса, бундай ташаббус билан чиқилмайди, яъни «бузаверайлик-чи, компенсация бир гап бўлар» қабилдаги гаплар кетмайди. Ер участкасини олиб қўйиш ташаббусини маъқуллашдан бошлаб, уни олиб қўйиш, олиб қўйилган ер участкасидаги кўчмас мулкларни бузишга бўлган жараёнларда ушбу масала маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан нақд 3 маротаба кўриб чиқилади. Бунда Конституцияга киритилаётган маҳаллий Кенгаш ва ҳокимлик ваколатлари аниқ ажратиб қўйилаётганини инобатга олсак, ташаббускорларнинг бузиш жараёнларини «тезлаштириб» юбориши борасида хавотирга ўрин қолмайди.

Қонуннинг энг асосий принцип-ларидан бири, бу — жараённинг очиқлигидир. Шунга монанд равишда ҳуқуқ эгалари билан очиқ муҳокама ўтказишдан бошлаб, қолган ҳар қандай босқичда жараёнлар 100 фоиз очиқ, яъни ҳуқуқ эгалари ОАВ, жамоатчилик иштирокида ўтказилиши белгиланди. Маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин ҳокимликлар ҳуқуқ эгалари билан компенсациянинг шартлари, турлари ва миқдори бўйича келишувга эришишга доир ишларни амалга оширади.

Ҳуқуқ эгаси билан келишувга эришил-маган тақдирда, ҳуқуқ эгасини келишувни имзолашга жисмонан мажбур қилиш мақсадида турар ёки нотурар жойни сув, канализация, электр, алоқа (интернет ҳам), иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйишга, кириб чиқиш йўлини тўсиб қўйишга йўл қўйилмайди.

КОМПЕНСАЦИЯ ҚАНДАЙ ТўЛНАДИ?

Қонунга асосан, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан қуйидагилар компенсация қилинади:

- ✓ олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг бозор қиймати;

- ✓ олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга бўлган ижара ҳуқуқи мустасно);

- ✓ олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати;

- ✓ кўчиш, шу жумладан бошқа кўчмас мулкни вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

- ✓ ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулкдан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк бўшатиб қўйилган пайтдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашга бўлган, бироқ 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);

- ✓ ҳуқуқ эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари.

Қонун билан ҳатто кўпчилик давлатларда мавжуд бўлмаган янги турдаги тўлов компенсация тури киритилмоқда: ҳуқуқ эгасига келтирилган ноқулайликлар учун кўчмас мулк бозор қийматининг 5 фоизи миқдорда бир марталик тўлов амалга оширилади.

Яна бир муҳим кафолат шундан иборатки, ҳуқуқ эгасига қонуний тегишли бўлган, олиб қўйилган ерда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойлар (яшаш учун мўлжалланмаган жойлар), ишлаб чиқариш бинолари бошқа иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг бозор қиймати ҳам тўлиқ ҳажмда қоплаб берилади.

Бундан ташқари, бузишга тушганда компенсация бериладиган уй-жойлар кўлами кенгайтирилди — энди агар аҳоли пункти ичида жойлашган, лекин «кадастри бўлмаган» уйлар бузилса ҳам, агар ушбу ер бўйича 15 йилдан ортиқ солиқлар тўлаб келинган бўлса, компенсация тўланади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қонун 3 млн. га яқин ҳужжатсиз уйларни бузилишдан «суғурталайди».

Замонамизда бирор-бир жараённи рақамлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, эндиликда «снос» билан боғлиқ барча ҳуқуқий жараёнлар электрон тизимлар орқали амалга оширилади, шу жумладан, қабул қилинган қарорлар, тузилган шартномалар ва берилган компенсацияларнинг ҳисоби электрон юритилади.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, кучга қиради.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

БИЛАСИЗМИ?

1 июлдан нималар ўзгарди?

✓ Айрим шифокорларга уй олиш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади. Яъни олиш ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорда ҳар ойлик устама белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми, бироқ БҲМнинг 500 баробаридан (150 млн. сўмдан) ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

✓ «Хавфсиз йўл» индекси юритилади. Бунда индекс доирасида йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолати 29 та индикатор бўйича ҳар чорак якунида баҳолаб борилади. Туман (шаҳар)лар индекс кўрсаткичлари асосида «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади.

✓ Вирусли гепатитга қарши самарали чоралар кўрилади.

✓ Касаначиликни ташкил этган тадбиркорларга бир марталик субсидия берилади. Касаначилар ижтимоий солиқ тўловини ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда амалга оширади. Олиш ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда (жами 252 та) касаначиликни ташкил этган тадбиркорларга дастлаб 3 ойдаги фаолияти учун 1 ойлик ўртача даромади миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

✓ Давлат музейлари соат 22:00 гача хизмат кўрсатиши мумкин.

✓ «Тиббиёт бригадалари»га 3 600 та штат берилади.

Болалар ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни янада сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш учун «тиббиёт бригадалари» таркибига қўшимча 3 600 та, 2023 йил 1 январдан яна қўшимча 4 900 та ўрта тиббиёт ходимлари (педиатрия ҳамшираси ва доя) штатлари ажратилади.

✓ Парранда экспорти учун субсидия оширилади. «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо паррандачилик ҳўжаликларига 2024 йил 1 январгача даврда паррандачилик ҳўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия миқдори 12 минг сўм этиб белгиланди.

✓ Бўш турган биноларга нисбатан юқори солиқ ставкасини белгилаш бекор қилинди.

✓ Спинал мушак атрофияси клиник диагнозига эга оилаларнинг Ягона миллий регистри юритилади.

✓ «Оилавий шифокор» йўналиши бўйича мустақил фаолият амалга оширишга рўхсат берилади.

ВАЗИЯТ



Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 июндаги «Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, одамларимиз анча вақтдан бери кутаётган ўзгариш — «тонировка» масаласига ечим топилди.

Очиғи, «тонировка» мавзуси ҳақида гапирмаган одам, айтилмаган гап қолмади ҳисоб. Ҳар ёз фаслида доимгидек «тонировка» машмашаси ўртага чиқади ва унга ҳар ким ўз фикрини (этирозини) билдиради. Депутатлар, юристлар, мутахассислар ва бошқа жамоатчилик фаоллари ушбу ғайритабиий қонунга қарши юзлаб далилларни келтирган бўлса-да, бу масалада ижобий силжиш қутилмаётган эди.

Тўғри-да, дунёнинг ривожланган ва иқлими Ўзбекистондан кўра анча салқин бўлган давлатларида «тонировка» те-

кин. Лекин Ўзбекистонда у пуллик, боз устига, космик даражада қиммат. Мисол учун, 1 июлгача фақат орқа ён ойналар учун — 1 млн. 500 минг сўм, олд ва орқа ён ойналар учун — 15 млн. сўм этиб белгиланган.

Тўғри, ўтган йили 15 сентябрдан бошлаб «тонировка» учун электрон ариза борилса, атиги 10 фоиз чегирма бериш тартиби кучга кирди. Лекин ундан сал олдин, 1 сентябрь куни «тонировка»нинг нархи 10 фоизга ошган эди. Яъни аввал 10 фоиз нарх оширилиб, кейин 10 фоиз чегирма берилганди.

Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Шавкат Мирзиёев «тонировка» масаласига тўхталди. «Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган масалалардан ҳам хабардорман. Мана, бугунги кунда мамлакатимизда энгил автомашиналар сони 3,5 миллиондан ошди. Ҳайдовчиларимизда ҳам қўллаб эътирозлар тўпланиб қолган. Шу боис бугун

ҳайдовчилар ва йўловчилар анчадан бери кутган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган қарорни имзоладим», — деди Президент.

Юқоридаги Президент қарорига кўра, 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

☑ энгил автотранспорт воситаларининг орқа ён ойналари тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун **рухсатнома олиш тартиби бекор қилинди**. Яъни эндиликда **орқа ён ойналарни қорайтириш бепул бўлади**.

☑ энгил автотранспорт воситалари олд ён ойналари тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома берганлик учун тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **саккиз баравари** этиб белгиланди. Яъни эндиликда машинани тўлиқ «тонировка» қилмоқчи бўлганлар **2,4 миллион сўм** тўлаб, буни амалга оширишлари мумкин.

«Тонировка»га рухсатнома бериш **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** билан бир қаторда **ички ишлар орган-**

лари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

2022 йил 1 сентябрга қадар «тонировка»си мавжуд автотранспорт воситаларида бўлган эгалик ҳуқуқи ўзгарганда, давлат рақами белгиси алмаштирилганда ёки автотранспорт воситаси эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганда, «тонировка»га берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатини **автоматик тарзда сақлаб қолиш тартиби** жорий этилади.

“

ўтган йили 15 сентябрдан бошлаб «тонировка» учун электрон ариза борилса, атиги 10 фоиз чегирма бериш тартиби кучга кирди.

ТЕХНИК КЎРИК БЕКОР БЎЛДИМИ?

Қарорга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб ишлаб чиқарилганига ўн йилгача бўлган жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларини **техник кўриқдан ўтказиш ихтиёрий равишда амалга оширилади**.

Шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача бўлган энгил автотранспорт воситалари — **икки йилда бир марта**, ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган энгил автотранспорт воситалари — **бир йилда бир марта** мажбурий техник кўриқдан ўтказилади.

Шу билан бирга, мазкур шартлар тижорат асосида йўловчиларни ташиш фаолиятида фойдаланиладиган транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

«Бир вақтнинг ўзида 250 нафар меҳмонни қабул қила оламиз?»



МАНЗАРА

Маҳаллаимиз Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи Тахтиқорача довони бўйида, тоғлар бағрида жойлашган. Мусаффо табиати, зилол сувлари ва самимий инсонлари билан тилга тушган бу ҳудудда йилнинг тўрт фасли ўз кўрку таровати билан намоён бўлади. Шу боис «Терсак»ка бир марта келган, унинг гўзал табиатидан баҳра олган киши яна келишни орзу қилади.

Бугун аксарият қишлоқларда шаҳардагидек уй-жойлар, транспорт воситалари кўпайиб, ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётган, шовқин кучайиб бораётган бир пайтда маҳаллаимизда қишлоққа хос муҳит йўқолмаган. Тўғри, аҳоли учун замонавий турмуш шароитлари яратилган. Мактаб, боғча, тиббиёт муассасалар бор. Транспорт асло муаммо эмас. Лекин аҳоли ҳаёт тарзи, касб-хунар ва машғулларидан миллийлик, қадрият ва аънаналар устуворлиги акс этиб туради. Шу ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олиниб, ўтган йили «Терсак»ка туризм қишлоғи мақоми берилди.

Маҳаллаимизга азалдан кўп меҳмон келади, юртимизнинг турли ҳудудларидан қариндош-уруғ, дўсту қадрдонларимиз келиб, ҳордиқ чиқаришади, гўзал табиатимиздан баҳраманд бўлишади. Буни биз меҳмондорчилик деймиз, замонавий тилда эса туризм.

Энди бунга расмий мақом берилди. Яъни маҳаллаимиз туризм қишлоғига айланмирилиб, аҳоли ушбу йўналишда тадбиркорлик қилиши, даромад топиши учун имконият яратилди. Бунинг учун давлат томонидан жуда катта имтиёзлар берилди.

Маҳаллаимизнинг М-39 йўлидан бошланадиган қисмидан охириги қишлоғигача — тўртинчи Терсаккача қарийб 10 километр йўл асфальт қилинди, тупроқ йўлларга тошшағал тўкилиб, текисланди. Йўл бўйлаб тунги ёритиш чироқлари, йўл кўрсаткич ва белгилар ўрнатилди. Аҳоли қисқа вақт ичида 20 дан ортиқ оилавий меҳмон уйи ташкил этди. Эндиликда ҳудудда туризм йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга 50 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача кредит берилади. Бундан фойдаланиб, яна ўнга яқин маҳалладошимиз оилавий

меҳмон уйи ташкил этмоқчи. Ошхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари очмоқчи бўлганлар кўпаймоқда. Шу пайтгача аҳоли, асосан, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланган бўлса, энди туризм асосий даромад манбаига айланмоқда.

Ҳозир маҳаллаимизда бир вақтнинг ўзида 200-250 нафар меҳмонни қабул қилиш имконияти бор. Кўпроқ Франция, Италия, Дания, Канада, Россиядан меҳмонлар келишяпти. Яқинда Қирғизистондан 60 нафар сайёҳ келиб қолди. Бундан ташқари, ички туризм йўналишида ўзимизнинг юрдошларимиз ҳам кўп келади. Терсакнинг туризм қишлоғи бўлгани қишлоқдошларимиз учун катта имконият яратди.

Туристларни қишлоқ хонадонларида миллий таомларини тайёрлаш жараёнлари, сугир, эчки сут-қатиғидан татиб кўриш, урф-одатлар билан танишиш ва, албатта,

тоғ бўйлаб сайр қизиқтиради. Ҳар бир меҳмон уйида бунинг учун шароит бор. Тўрт нафар гид-экскурсовод тоғ туризми йўналишида сайёҳларга хизмат кўрсатади. Сайёҳларни пиёда, от ва бошқа уловларда сайр қилдириш, қишлоқнинг ўзига хос табиати билан таништириш муаммо эмас.

Насиб этса, келгусида қишлоқнинг туризм имкониятидан янада самарали фойдаланамиз. Бу ҳақда сайловолди дастурида кўпгина режаларни баён қилганман. Маҳаллаимиз аҳли уларнинг барчасини тасдиқлаб, мени яна уч йиллик муддатга раис этиб сайлади. Энди бор куч-ғайратимни қишлоғимиз нуфузини ошириш, туризм имкониятларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга сарфлайман.

Бекзод БЕКМУРОДОВ,
Ургут туманидаги «Терсак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАНЗАРА

Бу йилги сайловда фуқаролар номзодимни яна бир бор илгари суришди. Очиғи, бундан хурсанд бўлдим. Чунки бу шу вақтгача қилган меҳнатларимиздан уларнинг розилигини англади. Бирок бу билан тўхтаб қолиш йўқ. Маҳалладошларимиз яна қайта ишонч билдиришди, демек, энди бунинг масъулияти икки қарра ортади. Шунга кўра, яна тиним билмай меҳнат қилишга, одамларнинг бугундан рози бўлиб яшашига астойдил интилам.



«ИССИҚХОНА ҳам имконият, ҳам имтиёз беради»

Айни пайтда маҳалламизда 3,2 минг нафардан зиёд фуқаро яшайди. Очиғи, шу пайтгача маҳалла аҳлининг асосий муаммоси — ички йўлларнинг таъмирталлиги, ичимлик ва оқова сувнинг танқислиги эди. Жорий йилнинг бошидан бошланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида бугунги кунда ҳудуд аҳолиси тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди. Оқар сув тармоғи созиланди. 80 дан ортиқ бетон симёғочлар янгисига алмаштирилиб, 2 та трансформатор пункти қурилди. Маҳаллага олиб кирувчи 4 километр асосий ҳамда 5,5 километр ички йўллар жорий таъмирланди.

Ҳудудда тадбиркорлик ташаббуси ва банк кредити маблағлари ҳисобига сартарошхона, тегиримон, гўшт дўкони, автохизмат, ветеринария дўкони, шунингдек, маҳалла гузари, гўзаллик

салони, озиқ-овқат дўконлари, болалар ўйингоҳи, work-out майдончаси, стадион, саломатлик йўлаги барпо этилди ва бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда. Шунингдек, вилоят бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм йўналтирилиб, 150 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қолаверса, 12 та оилага 400 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига қорамол тарқатилди. Яна шунча оилага 300 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Шунингдек, «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчиларга 0,20 гектардан ер майдонлари ажратилди. Шу билан бирга, бевосита аҳоли ташаббуси билан маҳалладаги 500 ўринли 35-умумтаълим мактаби «Ташаббусли бюджет» лойиҳасидан

ютиб олинган 450 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланди.

Бундан кейинги режаларимиз ҳам бисёр. Энг аввало, иссиқхоначилик тармоғини кенгайтираемиз. Чорва билан шуғулланувчилар сонини орттиришга имконият бор ва бундан унумли фойдаланамиз. Қолаверса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун тикув цехлари ташкил этиш ниятидамыз. Бу борада тадбиркорларимиз таклиф киритишган. Яна бир масалада — имтиёзли кредит ва субсидиялардан самарали фойдаланиб, янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ. Уйлаймизки, барча режаларимизни одамлар билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

Жумабой НУРОВ,
Бекобод туманидаги «Ёшлик-2»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Таълим тўғри берилмаса, тараққиёт ҳам бўлмайди»

27 май куни ўтказилган сайловда 78 фоиз овоз олиб, раис этиб сайландим. Бугунгача маҳалламизда қатор ишлар амалга оширилган, масалан, кўчаларимиз тўлиқ ёритиш тизими билан таъминланган, 1,5 километр ички йўллар асфальтланган, қишлоқ жой бўлишимизга қарамай, салкам 3 километрга канализация қувурлари тортилди. Маҳалла биноси янгидан замонавий услубда қуриб битказилди. Бу каби ишларни яна санад мумкин.

Энди эса юқоридаги ишларни давом эттирган ҳолда, ҳудудни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Аҳолининг асосий қисми қандолатчилик билан шуғулланади. Атрофдаги қишлоқлар бизни «новотчилар» деб аташи ҳам шундан. Одамларимиз новот, пашмак, нишолда сингари миллий ширинликларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бизнинг новотлар пойтахтимиз бозорларигача етиб боради. Қўқондан савдогарлар келиб улгуржи харид қиладилар. Шу касб боис аҳоли тўқ яшамоқда. Режаларимдан бири шу касбни ҳудудимизда янада ривожлантириш. Бунинг учун алоҳида ширинлик улгуржи бозори ташкил қилиш керак. Мазкур масалада тегишли ташкилотлар ва тадбиркорлар билан гаплашамиз.

Шу билан бирга, маҳаллада муаммолар бор. Масалан, ўтган йили 7 та оила ажралиб кетган. 3 та жиноят, 1 та суицид кузатилган. Ёшгина йигитимиз интернетдаги қиморга 16 миллион сўм ютқазиб қўйгани сабаб ўзини осди. Булар замирида илминг етарли эмаслиги ётибди. Шу боис биз таълимга алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳудудда, боғча, ўқув курслари очиш ниятидаги барча фуқароларга қўлимиздан келганича ёрдамлашамиз. Мактаб билан алоқаларни кучайтираемиз. Туманимиз, вилоят ва республикадаги зиёлилар, олимлар, шоиру ёзувчилар билан учрашувлар ташкиллаштирамиз.



Маҳалламиз биносидаги фаоллар зали аслида шунинг учун қурилган.

Таклифим алоқа тизимидагиларга боғлиқ. Ижтимоий хавфи юқори бўлгани боис фалон давлат фалон интернет сайтни блоклагани, бошқаси ижтимоий тармоқларни ёпгани тўғрисида эшитиб тураемиз. Бизда эса ҳозирда интернет қимор сайтлари катта ижтимоий хавф туғдирмоқда. Кўз ўнгимизда бўлгани учун айтяпман. Ёшларни бундай сайтлар тузоғига тушганини ҳеч ким билмай қолар экан. На ота-она, на ўртоқлар ва на маҳалла-қўй. Шу боис алоқа тизимидагилар қимор сайтларини блоклаганса, айни муддао бўлар эди.

Манзураҳон СОЛИЕВА,
Данғара туманидаги «Пишқарон»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Энг қийини — ишончга муносиб меҳнат қилиш»

Очиғи, бу гал номзодимни яна бир бор қўйишдан аввал: «Одамлар мени сайлашса, уларнинг ишончини оқлай оламанми?», дея кўп ўйладим. Зеро, энди олдимизда турган вазибалар залворли, маҳалла раислиги — масъулиятли вазифага айланиб улгурди. Энди аниқ айта оламанки, маҳалладошларимизнинг юксак ишончи фаолият дастурида кўзда тутилган вазибалар ижросига қанот бағишлайди. Асосийси, ўз олдимга ҳалол ишлаш, менга ишонч билдирган кишиларга суянч бўлишни мақсад қилганман.

Бу ўринда, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси лавозимларининг жорий этилгани, маҳаллалар, ходимлар фаолиятини рейтинг баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилгани ва улар рағбатлантирилиши янада самарали фаолият юритишимизга замин яратди. Қолаверса, маошларимиз оширилди, фуқаролар мурожаати билан ишлаш борасидаги ваколатимиз кенгайди. Қисқаси, имконият ва шароит бор, эътибор ва рағбат етарли, энди фақат ишлаш керак.

Маҳалламизда 3 минг 313 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудуди бўлгани боис уларнинг асосий тирикчилиги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ билан боғлиқ. Шунга кўра, жорий йилда аёллар сартарошхонаси, тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик йўналишлари ўқув маркази ташкил этилди. Давлат хизматлари марказининг филиали очилди. Қолаверса, иссиқхоначиликни ривожлантириш мақсадида беш нафар ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, ижтимоий химояга муҳтож оилаларга субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик.

Янги раислик лавозимига киришгач, ҳоким ёрдамчиси билан яна бир бор хонадонма-хонадон кириб чиқдик. Кимнинг қандай муаммоси борлиги, ким қандай ишга қўл урмоқчилигини ўргандик. Шу асосда рўйхат шакллантирдик. Мана, орадан бир ҳафта — ўн кун ўтди, кредит олиш истагидаги фуқаролар учун банкка тавсиянома бердик, иссиқхона қурмоқчи бўлганларга субсидия олиб бериш ҳаракатидамыз. Хуллас, қизғин иш жараёни оғушидамыз.

Анча вақтдан бери маҳалла раиси сифатида фаолият юритаман. Ўзим учун хулоса қилганманки, халқнинг яхши-ёмон кунини елкадош бўлсангиз, муаммо билан ҳузурингизга келганларни эшитишни билсангиз, зарур ўринларда керакли маслаҳатларни бера олсангиз, одамлар ҳам маҳалла раисини ҳурмат қиладилар. Бирор ташаббус билан чиққанингизда қўллаб-қувватлайди. Демокриманки, халқнинг ишончини қозониш аслида қийин эмас, бироқ унга муносиб бўлиб фаолият юритиш — энг қийини. Биринчи марта сайланган раисларимиз шуни унутмасан.

Анвар ҲАКИМОВ,
Қарши шаҳридаги «Қиличбек
Қўрғонча» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

МАНЗАРА

Мен «Шаршара» маҳалласида ўтган сайловда кўпчилик овоз билан бу лавозимга сайландим. Энди мамлакатимиздаги ислохотларга эш бўлиб, халқ ичига кириб, уларнинг муаммоларини ҳал этсак, халқ розилиги учун астойдил меҳнат қилсак, давлатимиз олдида ҳам, халқимиз олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

«Йиғин раисларига талаб ўзгарган»

Аҳоли орасида маънавий барқарорликни сақлаш, тadbиркорларга кўмаклашиш, ҳудуд ободлиги, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабардор бўлиш, қўйинги, барча масалаларда маҳалла раисининг салоҳиятига эҳтиёж бор. Сайловолди дастурида мана шу жиҳатларнинг барчасини ёритганман. Тизимдаги узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, маҳалла ободлиги, аҳоли турмуш даражасини яхшиланиши, аввало, раиснинг жонкуярлигига боғлиқ.

Бугун маҳалламизда 5 825

нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожини учун дастур асосида иш олиб бораёмиш. Мухими, муаммолар шу ернинг ўзида ҳал этилмоқда. Таклифларимиз ҳокимлик ва сектор раҳбарлари томонидан вақтида кўриб чиқилмоқда. Масалан, 2021 йилгача маҳалладаги симёғочлар эски бўлиб, трансформаторлар паст кучланишда ишларди. Жорий йил 31 та замонавий устунлар ўрнатилиб, 2 та трансформатор янгиланди, 3 таси таъмирланди. 3 та кўчамизга ичимлик суви тармоғи тортилди. Шаршара кўчасининг 500 метр, Шарқ юлдузи кўчасининг 300 метр, Марърифат кўчасининг 8

км. йўллари асфальтланди, ёриткичлар ўрнатилди. Болаларимизни сифатли таълим-тарбия олиши учун 1 та хусусий ва 1 та давлат МТТ қурилди. Давлат боғчаси 120 та, хусусий боғчамиз 40 ўринли. Барча кўчаларимизнинг кириш ва чиқиш қисмига видео кузатув камералари ўрнатилди.

Маҳалламизда бугунги кунда 16 нафар тadbиркор фаолият олиб бормоқда. Улар бошқараётган тadbиркорлик субъектларида 80 нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланган. Асосий «драйвери»миз тикувчилик ҳисобланади. Шу йўналишда бўш турган бинода «Фаол аёллар» номли тикувчилик цехи ташкил

этилган бўлиб, бу ерда 15 нафар аёл ишлайди. Шунингдек, худудимиздаги «Анор маркет» номли савдо комплексида ҳам 15 та иш ўрни яратилди.

Худудни янада ривожлантириш мақсадида бир катор таклифлар ишлаб чиқдик. Уларнинг энг муҳими яқин вақтлар ичида 6 та кўчамизни асфальтлаштириш

ҳисобланади. Қолаверса, чегара худудимизни тунги ёриткичлар билан таъминлаш режамизда бор. Кейинги навбатда янги қурилган ҳовлиларга ичимлик сув тармоғи тортиш ниятидамыз.

Анвар МАТМУСАЕВ,
Наманган шаҳридаги
«Шаршара» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.



«Маҳалламиз бунёдкорлик майдонига айланган»

Жорий йил мамлакатимизда бўлиб ўтган маҳалла раислари сайловида одамларимизнинг фаоллиги кузатилди. Бу эса уларда дахлдорлик ҳисси ортганидан далолатдир. Маҳалладошларимиз 2 нафар тавсия этилган номзодлар орасидан энг муносибини яширин овоз бериш орқали сайлашди. Жами 88 нафар вакил овоз беришда қатнашган бўлса, уларнинг 44 нафари номзодимни қўллаб-қувватлади. Рақибим эса 37 та овоз олди.

Орадан ўтган вақт давомида маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишиб, аҳоли муаммоларини ўрганишни бошладим. Шу қисқа фаолиятимда билдимки, бугунги одамлар кечадек эмас. Давр ўзгараётгани уларнинг дунёқарши, фикрлаши ва талабиди акс этмоқда. Шу боис маҳалларда иш ташкил этишда замонага ҳамоҳанг, янги ёндашув зарурлигини англадим.

Маҳалламиздаги айтини кун ҳолатини айтиб ўтиш ўринли. Бугун 463 та хонадон, 1 726 нафар аҳолиси бор «Уйғурсой»-имизгина бунёдкорлик майдонига айланган. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини худудиди жами 29 та кўп қаватли

уйлар қуриш режалаштирилган эди. Ҳозирда 28 тасида қурилиш ишлари бошланган бўлиб, бугунги кунга қадар 1 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Бундан ташқари, маҳалланинг ички йўлларида бетон қоплама ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. 3 та кўчамизда ишлар якунига етди. Шунингдек, 27 та кўп қаватли уй атрофида кириш йўлакларини таъмирлаш, ойналарини, тунги ёритиш чирокларини алмаштириш жараёнлари якуний босқичда, пировардида, ушбу худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда «Янги намунавий массив» яратиш бўйича амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

Этиборлиси, шу кунларда аҳолини йиллар давомида қийнаган тоза ичимлик суви муаммоси ҳал бўлди, янги тармоқ тортилди. Шунингдек, маданият маскани қайтадан капитал таъмирланмоқда. Сартарошхона, гўзаллик салони, кафе, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик стадион, болалар ўйингоҳи қурилмоқда. Ички ишлар бошқармаси ташаббуси ва кўмагида маҳалламизда «Спорт шаҳарчаси» қад ростламоқда.

Фарзандларимиз таълим олиши учун мактаб етишмов-



чилиги бор эди. Айтини пайт янги мактаб қуриш учун маблағ ажратилиб, тендер танлови ўтказилди. Ҳадемай, қурилиш ишлари бошланади. Шу кунгача бирорта спорт тўғараги йўқлиги учун спортга қизиқувчи ёшларимиз кўшни маҳаллаларга қатнардди. Бугун эса барча турлардаги тўғараклар фаолияти йўлга қўйилди. Битроқ маҳалламиз биноси бироз таъмирга муҳтож.

Саъдулло ПЎЛАТОВ,
Поп туманидаги
«Уйғурсой» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

«Режадаги ишларимиз кўп»

Маҳалламизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий юмуши — деҳқончилик. Тўғриси айтиш керак, туман марказидан узоқда жойлашганимиз сабаб саноат ривожланмаган. Хунармандчилик ҳаминқадар. Айримлар Риштон шаҳри атрофидаги кулlochилик ва трикотаж цехларига қатнаб ишлайди.

Шу боис ишсизлар кўп. Кунлик ишга чиқадиганлар, усталар сероб. Айниқса, мева-сабзавот мавсумида йиғим-терим, қадоқлаш ишларида одамларимиз анча-мунча пул йиғиб олишади. Шунга қарамай, кейинги йилларда иссиқхоначилик, лимончилик ривожланиб бормоқда. Бунинг учун одамларимизга кредитлар берилаяпти.

Май ойида раисликка сайланганимизда одамларни иш билан таъминлашни асосий мақсад сифатида белгиладим. Вилоятдаги бошқа туманлар аҳолиси тажрибаларини ўзимизга жорий қилмоқчимиз. Масалан, Қувада кўчатчилик ривожланган. Мевали дарахтлар кўчатларини интенсив етиштиришади. Бир ярим йилда кўчатни тайёр қилишади. Бунда 2-3 сотихдан 20 миллионгача

даромад олиш мумкин. Бизда эса ер кўп. Фақат одамларни ўргатиш лозим, зарур воситалар, мевали дарахтлар уруғлари билан таъминлаш керак.

Иккинчи масала — ичимлик суви ҳисобланади. Аҳоли мазкур соҳада атроф қишлоқларга нисбатан анча қийналган. 5 метрдан чиқадиган зах сувдан фойдаланади. Тўғри, тоза сувни сотиб оладиганлар талай. Аммо бу масалани тезроқ ҳал этмоқ керак. Эски замонларда худудимиздан 100 метр чуқурликда ичимлик суви чиққан. Тармоқ тортилган эди. Аммо кейинги даврларда тизим кўмилиб, йўқолиб кетди. Шунини қайта тиклаш бош мақсадларимиздан бири.

Бунёдjon МЎМИНОВ,
Риштон туманидаги
«Чубургон» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.


МАНЗАРА

МОҲИЯТ

ЯНГИ ҚОНУН:

РЕФЕРЕНДУМДА Маҳалланинг иштироки қандай бўлади?

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 16 июнь кuni «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Ҳужжат билан «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Сайлов кодексига тегишли боб ва моддалар қўшилди.



РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Унда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин. Жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги

белгиланди.

Манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтказилишига кечи билан 10 кун қолганида маълум қилади (илгари 15 кун эди). Шунингдек, кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида 3 кун олдин хабардор қилиши керак. Сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка

комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади. Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланди. Қолаверса, мазкур қонунга 251-, 261- ҳамда 352-моддалар қўшилди. Жумладан, 251-модда билан референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди. Унга кўра, комиссиялар

мурожаатларга уч кунлик муддатда ёзма жавоб беради, референдумга олти кун қолганда ёки овоз бериш кuni келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқади. 261-модда билан чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчилар рўйхатига киритиш тартиби кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, хорижда бўлиб турган ҳамюртларимиз мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияларига уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисида референдумдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин. 352-моддага кўра эса, чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида муддатидан олдин овоз бериш фуқаронинг турган жойида ўтказилиши мумкин. Шунингдек, қонунга кўра, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартириш киритиш референдумга беш кун қолганида тўхтатилади.

ДЕПУТАТ ВАКОЛАТИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

Қонун билан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, сайлов округининг

ҳудуди бошқа маъмурий-худудий бирлик таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги маъмурий-худудий бирлик ташкил этилган тақдирда ушбу сайлов округидан сайланган депутатнинг ваколатлари сақлаб қолинади. Сайлов кодексига «Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови»га оид янги — 931-модда киритилди. Унга кўра, Кенгашларга сайлов маъмурий-худудий бирликлар ташкил этилганидан кейин икки ой ичида ўтказилади. Агар кейинги сайлов кампанияси бошланишига уч ойдан кам вақт қолган бўлса ёки ваколатлари сақлаб қолинган ва янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликнинг халқ депутатлари Кенгашига кирган депутатлар сони туман, шаҳар Кенгашида 15 кишини ва вилоят Кенгашида 30 кишини ташкил этса, сайловлар ўтказилмаслиги мумкин. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги қонунга «Маъмурий-худудий тузилиш масалалари ҳал этилаётганда сайлов округларининг чегараларини ўзгартириш»га оид янги — 401-модда киритилди. Президент томонидан имзоланган қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Санжар ИБРОҲИМОВ
тайёрлади.

Амалга оширилган ишларни ижобий баҳолаб, аҳоли жорий сайловларда маҳалла раислиги вазифасини яна менга юклади. Албатта, бу катта эътироф. Биз эса жамоамиз билан ишончга лойиқ бўлиш учун ҳаракат қиламиз.

«Бу галги режамиз аввалгисидан каттароқ»

Ўтган йиллар давомида қатор натижаларга эришганмиз. Бу — ичимлик сув билан таъминлаш, газ, симёғочларни алмаштириш, кўчаларни асфальтлаш, шағаллаштириш, ёритиш тизимлар билан таъминлашда ўз аксини тогган. Ҳомийлар кўмагида тартибли ва манзилли моддий ёрдамлар, аҳолини кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлашни қанда қилмаганмиз. Бу галги режаларимиз аввалгисидан

каттароқ. Аввало, «Очиқ бюджет» портали орқали маҳалламиз 760 миллион сўм маблағ ютиб олганини айтиб ўтишим керак. Аҳолининг уюшқоқлиги туфайли қўлга киритилган мазкур маблағлар қўшимча равишда битта тик сув қудуғини қазिश ва минорани ўрнатиш, 1,5 километрлик ички йўлларни асфальтлаш, битта қўшимча янги трансформатор учун сарфланади. Боз устига, туман ҳокимлиги билан жорий йил қолиб

кетган 75 та симёғочларимизни алмаштиришга келишиб олганмиз. Ҳокимлик ваъда қилган 1 километр ичимлик сув қувурларининг 500 метрини олди. Ишлар июнь ойидан бошланади. Янги муддатимда қилмоқчи бўлган асосий ишларимдан бири — маҳаллада спорт мажмуаси ва стадион барпо этиш. Тўғриси, қўплаб қўшни қишлоқларда стадионлар бор. Бизнинг ёшлар футбол ўйнаш учун ўша томонларга

қатнайди. Мактабимиз стадиони эса ўқувчилардан ортмай қолган. Шу боис одамларимиз, айниқса, 20-30 ёшли фуқароларимизнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш учун спорт мажмуаси жуда керак. Зарур тадбиркорларни жалб қила олсак, мажмуа таркибиде алоҳида аёллар секцияси ҳам ташкил қиламиз.

Лазизбек ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон туманидаги «Учбулак»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

ИҚТИСОД

Адлия вазири Тадбиркорлик кодексига қандай таклиф билдирди?



Эсингизда бўлса, 2021 йилда Адлия вазири Русланбек Давлетов Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилиши ҳақида сўз юритар экан, ушбу кодекс «тадбиркорлар учун ягона ҳуқуқий манба» бўлиши ҳақида маълум қилганди. Ҳўш, нега вазир бу фикрга келган? Ягона ҳуқуқий манбаа яратилган мудоао нима?

Агар мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятини бошқарувчи қонунчилик ҳужжатларига назар солсангиз, чиндан ҳам, улар тарқоқ ва сони жуда кўплигини кўрасиз. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳужжатларнинг ҳаддан зиёд кўплиги улар ўртасида қарама-қаршиликларни вужудга келтириб, тадбиркорлик амалиётини қийинлаштираётгани сир эмас. Кодекс билан айна мана шу мавҳумликка чек қўйиш мақсад қилинган. Барчаси бир жойда жамланади.

Куни кеча вазирнинг мана шу ташаббуси лойиҳа тарзида муҳокамага қўйилди. Яъни Адлия вазирлиги томонидан қўйилган Тадбиркорлик кодекси 9 та амалдаги қонун, 2 та янги

қонун лойиҳаси ва 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатларини яхлитлаштирган.

Лойиҳада барчанинг эътиборини тортадиган ва маъқулланадиган жиҳат — давлат корхоналарига рақобатни чекловчи тўғридан-тўғри солиқ, божхона ва бошқа турдаги имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланмоқда. Қолаверса, кодексдан субсидия бериш ва молиявий санкциялар қўллаш тартиблари, «хўжалик ширкати» шаклини бекор қилиш ўрин олган.

Кодекс билан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдан бошлаб, уни тугатишгача бўлган барча жараёнларни тартибга солиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, илғор хорижий давлатлар тажрибасига асосан, тадбиркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари базаси ихчамлаштирилиб, тадбиркорлар ичида оммабоп бўлмаган «хўжалик ширкати» ташкилий-ҳуқуқий шакли бекор қилинмоқда. Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларини белгиланган ҳолда уларга қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари ҳамда шакллари белгиланмоқда.



Ушбу кодекс тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини барқарорлаштириш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасига аралашувини камайтириш, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашувни белгилашга хизмат қилади.

43 та давлат органининг 146 та назорат функциялари ва Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибиде ўтказилган 18 турдаги текширувлар рўйхатлари кодексга илова сифатида тасдиқланмоқда. Бунда рўйхатга киритилмаган барча текширувлар Бизнес-омбудсман билан келишилган тартибда амалга оширилади.

Давлат назоратининг 4 та шакли белгиланиб, шундан фақат маълумотларни таҳлил қилиш ва текширувда аниқланган қоидабузарликлар юзасидан тадбиркорга нисбатан

ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши назарда тутилмоқда. Яъни молиявий санкциялар суд томонидан белгиланади (бундан солиққа тортиш ва банк соҳаридаги санкциялар мустасно). Бир хил турдаги ҳуқуқбузарлик учун тадбиркорлик субъектига молиявий санкция ва унинг мансабдор шахсига маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳолларда, фақат молиявий санкция қўлланилади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ушбу қонунбузилишни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани бажарган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Барча талабларни ўз ичига олган Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар реестри ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзларнинг ягона реестрини шакллантириш, ошкор этиш назарда тутилмоқда. Бунда Мажбурий талаблар реестрига киритилмаган талаблар бўйича жавобгарлик белгиланган, қўшимча мажбуриятларни юклагани назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қабул қилингандан кейин бир йил давомида ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тақиқланмоқда.

Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйи-

ча давлат субсидияларини жорий этишнинг тартиби ва йўналишлари белгиланмоқда. Субсидия «ягона дарча» принципи асосида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ажратилади. Европа тиклиниш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банкининг таклифлари ва халқаро стандартларга мувофиқ, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш тизими (алоҳида дастурлар асосида) жорий этилмоқда.

Ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари рўйхати ва уларни, жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг механизмлари, бизнес-инкубаторларнинг ҳуқуқий мақоми, мақсад ва вазибалари белгиланмоқда. Давлат корхоналарига рақобатни чекловчи тўғридан-тўғри солиқ, божхона ва бошқа турдаги имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланмоқда.

Энг муҳими, ушбу кодекс тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини барқарорлаштириш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасига аралашувини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашувни белгилашга хизмат қилади.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«Эл ишончи масъулияти Ғоятда катта»

Фуқаролар йиғини раислигига қўйилган номзодлар ичида менинг номзодим аҳоли томонидан муносиб, деб топилди. Эл ишончи — катта масъулият. Бундай ишонч кишини шиддат билан ишлашга, аҳоли учун қўмақдош бўлишга чорлайди. Ўз дастуримда ҳар бир хонадон билан якка тартибда ишлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни тартибли ўтказиш каби йўналишларни олиб чиққан эдим. Қолаверса, тўйларни қандай қилиб қисқартириш хусусида лойиҳаларим бор эди. Булар маҳалладошларимга маъқул келган.

Маҳалламиз одамлари аҳил, меҳр-оқибатли. Кексалар иззат-хурматда, ёшлар ўқиш, тадбиркорлик билан банд. Дастуримда маҳалламиздаги маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий химояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий қўмақ бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни мўлжаллаганман. Оилавий тадбиркорлик ҳар бир оила учун моддий қўмақ бериш билан бирга, фарзандлар тарбияси учун аҳмиятлидир. Фарзанд биринчи галда меҳнатни ўрганади. Қадр-қимат ва масъулиятни англайди.

Аслида, маҳалламиз ҳудуддаги энг катта фуқаролар йиғинларидан бири саналади. Ҳозирда бу ерда 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Йиғинимизда ўтган йили «Обод маҳалла» дастури доирасида янги қиёфа касб этди. Бунда, энг аввало, аҳоли учун зарур бўлган 7 км. ички йўллар таъмирланди, 2,6 км.га шағал ётқизилди ва тежалган маблағ ҳисобидан эса қўшимча равишда 1,3 км. йўлга асфальтланди. 2,7 км. ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди. 10,5 км. электр тармоқларида қурилиш-мон-

таж ишлари олиб борилиб, 2 та трансформатор пункти ва 228 та таянч устунлар ҳолати яхшиланди. 215 та эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари ҳашар ва ҳомийлик ҳисобидан таъмирлаб берилди. Бу, ўз навбатида, ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Қолаверса, маҳалламизда замонавий реконструкция қилинган 20-умумтаълим мактаби, маҳалла гузари, футбол майдончаси, болалар майдончаси аҳолининг, айниқса, келажакимиз эгаларининг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқарди. Қарийб 28 миллиард сўм маблағ йўналтирилган

дастур доирасидаги ишларда бюджет маблағларидан ташқари, саховатпеша юртдошларимиз ҳам ўз амалий қўмақларини аямадилар.

Келгуси уч йилда сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Маҳалладошларимизнинг орзу-интилишлари рўёби йўлида астойдил меҳнат қилишдан толмайман. Албатта, ушбу вазибаларни бажаришда фаолларимизнинг қўмағига таянаман.

Шоҳсанам ИСЛОМОВА,
Навоий шаҳридаги
«Ёшлик» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

РАКУРС

ҚИЎҒИРЛИКЛАР ДАСТУРНИ БАДАСТИР ҚИЛОЛМАЙДИ

Ҳисоб палатаси томонидан Давлат дастурлари, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор мавсумида дарахт кўчатларини экиш жараёни ва амалга оширилган ишларнинг ҳаққонийлиги юзасидан назорат тадбирлари олиб борилди. Айтиш керакки, жараёнда ҳар икки ҳолат бўйича ҳам камчиликлар аниқланди.



МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР СУЊИЙ РАВИШДА ҲОСИЛ ҚИЛИНЯПТИМИ?

Сўнги таҳлилларга кўра, республикада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги муаммоли кредитлар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан 1 май ҳолатига кўра 8 фоизга камайган. Бироқ дастурдаги муаммоли кредитлар Наманган (44 фоиз), Андижон (26 фоиз) ва Сурхондарё (20 фоиз) вилоятларида юқори салмоқда қолган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳудудларда амалга оширилган ўрганишлар натижасида муаммоли кредитларни ундириш ва ажратилган кредитлардан самарали фойдаланишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, домий даромад манбаига эга қарз олувчиларнинг 149,4 млрд. сўм, хусусан, давлат ташкилотлари ва банкларда фаолият юритаётган ходимларнинг 89,3 млрд. сўм муаммоли кредитлари ундирилмаган.

Муаммоли кредитларнинг 79 фоизда қайтмаслик хатари суғурталанган бўлиб, аксарият ҳолларда банклар томонидан уларни суғурта компанияларидан ундириш чоралари кўрилмаган. Жорий йил бошидан муаммоли кредитлар улушини камайтиришда, банклар томонидан уларнинг 69 фоизи «умидсиз» деб таснифланиб, баланسدан чиқариш орқали қисқартирилган. Яъни амалда муаммоли кредитлар қайтарилмасдан, банк томонидан шакллантирилган захиралар (харажатлар) ҳисобидан қопланган.

Мисол учун, Чортоқ туманида 2020 йилда ташкил этилган 1 000 та 2

сотихлик иссиқхоналарнинг 95 фоизи ҳозирда яроқсиз ҳолга келиб, улардан фойдаланилмайди. Ваҳоланки, 2020 йилда эълон қилинган расмий хабарда «Голден Натс Наманган» агро томорқа хизмати» МЧЖ Баланд адир даштликларидан узоқ йиллар давомида фойдаланилмаган 36 гектар майдонда ҳар бири 2 сотихли 1000 та иссиқхона қураётгани, умумий қиймати 13 млрд. сўм бўлган лойиҳага Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 6,7 млрд. сўм субсидия маблағи ва тижорат банкларининг 6,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредити йўналтирилиши кўзда тутилгани айтилган. Уша пайтда 800 та иссиқхона фойдаланишга топширилгани, уларда йилига 7 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш мумкинлиги, яна бир ойдан сўнг қолган 200 та иссиқхона тайёр бўлиши таъкидланган.

Шунча йилларда «қоғозда» экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бундай жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилган дарахтларнинг кўпи қуриб кетди. Миллионлаб дарахт экамиз, деб жар соламу, лекин уларнинг ярмини ҳам сақлаб қолмаймиз.

Аммо юқорида қайд этилганидек, бугун мазкур иссиқхоналар ҳеч қанақа наф келтирмапти.

Хўш, муаммоли кредитларга нима сабаб бўлмоқда? Бунда

мижозга кредит ажратишда турли сарсонгарчиликларга йўл қўйилаётгани (айримлар кредит олишда қанча қийналган бўлса, банк ходимларини шунча овоза қилгиси келади), кредит ажратиш тизими ҳалигача марказлаштирилгани, мижознинг кредит ҳужжатларини мутахассис сифатида профессионал ўрганилмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳалигача кредит ажратишда мижознинг гаров таъминотида асосий эътибор қаратилмоқда. Аслида гаров таъминоти энг охири манба сифатида қаралиши зарур. Кредит ажратишда мижознинг айланма маблағлари таҳлили, аввалги кредитлари тарихи юзаси ўрганилмоқда ёки сохта ҳужжатларга асосан кўриб чиқилмоқда.

Қолаверса, имтиёзли кредитлар шунчалик тартибсиз бериб ташлангани, қарздорликни қоплашда ижрочи томонидан хатлаш учун қўлга илинадиган ҳеч қандай мулк йўқ — қарздорнинг кредитни ёпишга на пули, на шу асосда олган маҳсулот (чорваси) ва на таъминоти бор. Таҳлилларга қараганда, яхши ниятда бизнес бошлаган тадбиркорларнинг омади келмаслиги ёки банкрот бўлишининг асосий сабаби — уларнинг уқувсизлиги экан. Маблағ бору, соҳа бўйича кўникма йўқ. Кредит олгану, уни мақсадли сарфламайди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётганларда бу кўп учрамоқда.

Хуллас, агар юқоридаги ҳолатларда кредитлар тўлиқ тушунчалар берилиб, оилавий шароити ҳисоб-китоб қилиниб, тўғри мақсадларда ажратилганда, айрим «уддабурон» таъминотчи корхоналар виждонини сотиб, маҳсулотни икки баро-

бар қиммат нархга сотмаганида, одамларни банд қилиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида бундан-да яхшироқ усуллардан фойдаланилганда, бунча кўп қарздорликлар йиғилиб қолмасди.

2,4 МЛН. ДОНА КЎЧАТ БАҲОР ТУГАМАЙ НОБУД БЎЛГАН

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил 1 мартдан бошлаб мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида «Яшил макон» умуммиллий тадбири бошланган эди. Ҳисоб палатаси амалга оширилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил баҳорги мавсумнинг ҳисоботларига кўра, республика бўйича жами 129,6 млн. дона кўчатлар экилган. Шу билан бирга, ўрганишлар натижасида тадбирнинг тўлақонли ижросига айрим ҳудудларда ҳокимликлар, мутасадди ташкилот ва идора раҳбарлари томонидан етарли эътибор қаратилмагани аниқланди.

Жумладан, айрим жойларда дарахт экиш ишлари тизимли ташкил этилмасдан, суғориш ва парваришlash учун тегишли масъуллар бириктирилмаган. Ҳақиқатда экилмаган 6,2 млн. дона кўчат ҳисоботларга қўшиб



Чортоқ туманидаги Баланд адир ҳудудида 2020 йилда ташкил этилган 1 000 та 2 сотихлик иссиқхоналарнинг 95 фоизи ҳозирда яроқсиз ҳолга келиб, улардан фойдаланилмайди.



2,4 млн. дона кўчат сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани сабабли баҳор тугамасдан қуриб нобуд бўлган. Ернинг табиий иқлим хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда, 341 минг дона кўчатлар яроқсиз ерларга экилган.

ёзилган. 3,4 млн. дона кўчат суғориш тизими бўлмаган жойларга экилган. 2,4 млн. дона кўчат эса сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани сабабли баҳор тугамасдан қуриб нобуд бўлган. Ернинг табиий иқлим хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда, 341 минг дона кўчатлар яроқсиз ерларга экилган бўлиб, 65 минг донасида кўчатлар орасида белгиланган масофа сақланмаган.

Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари томонидан кўчатларни ҳудудий экология хусусиятларидан келиб чиқиб, тўғри ёндашган ҳолда экиш ва бу борада намунавий маҳаллаларни барпо этиш масаласи қатъий белгиланган эди.

Очиги, бу каби дарахт экиш, юртимизни кўкаламзор, жаннатмакон ҳудудга айлантириш бўйича аввалги йиллардаги ташаббусларни яхши эслаймиз. Шунча йилларда «қоғозда» экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бундай жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилган дарахтларнинг кўпи қуриб кетди. Миллионлаб дарахт экамиз, деб жар соламу, лекин уларнинг ярмини ҳам сақлаб қолмаймиз. Ваҳоланки, бу ишлар учун миллиардлаб сўм хусусий ва давлат маблағлари сарфланган.

Санжар ИСМАТОВ.

Хуллас, юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича масъуллар ОАВ олдида жавоб бериши керак. Зеро, Давлат дастурлари ёки дарахт экишга сарфланаётган пуллар ҳар биримизники, тўлаётган солиқларимиздир. Шундай экан, уларнинг қандай сарфланаётгани, қаерга йўналтирилаётгани ҳақида хабардор бўлишга тўла ҳақлимиз. Бу каби жамоатчилик назорати йўлга қўйилмас экан, яна йиллар давомида кредитлар мақсадсиз сарфланаверади, кимлардир ҳосил қилган муаммоли кредитлар яна халқ гарданига тушаверади, дарахт экишдаги кўзбўямачиликлар давом этаверади.

ҲОЛАТ

Нуроний қўйган қадам нурли бўлади

Кейинги йилларда маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолига яқин ва маслақдош тузилмага айлантириш бугунги куннинг муҳим талабига айланди. Натижада маҳалланинг жамиятдаги обрў-нуфузи янада ортиб, у аҳолининг қувончу ташвишлари, муаммоларига ечим топадиган, дардию ташвишларига шерик бўлиб, аҳолини қўллаб-қувватлайдиган ноёб институтга айланди.

Бироқ маҳаллаларда ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам бисёр. Мен айнан аҳолининг ташвишу муаммолари билан яшаб, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги «29-Чорчинор» маҳалласида истиқомат қилиб, эл дардига дармон, ташвишларига гирён бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинига жамоатчилик асосида кўмаклашиб келаётган онахон – Хадичахон ая Тошматова ҳақида сўз юритмоқчиман.

71 ёшда бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимай, аҳоли фаровонлиги, тинчлик-осойишталиги йўлида жавлон ураётган ўйғоқ қалбли Хадичахон ая билан танишув ҳаяжонли кечди.

— Бизнинг шу онахонимиз ҳақида кичик бўлсам, битта мақола қилиб кетинг!, — дея ўзи йўл бошлаган Қўқон шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлимининг раҳбари, ҳоким ўринбосари Барнохон Ҳасанова бора-боргунча аянинг ишлари ҳақида таърифлаб кетди.

Аслида ҳаёти ибрат мактабини ўтаган нуронийлар иштирокида оилалар тотувлигини мустаҳкамлаш, ажралиш ва оилавий жанжалларга барҳам бериш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасидаги бебошлик, тарбиясизлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда уларнинг ҳиссаси

беқиёс. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, айниқса, қувонарлидир.

Оила тинчлиги ва мустаҳкамлигида, аввало, оила бошлиғи – эркакнинг ўрни ва масъулияти катта. Чунки уйланаётган йигит оила бошқаришни ўз бўйига олади. Аммо амалда оилавий муносабатларга тайёр эмаслик оқибатида салбий ҳолатлар содир бўлади. Шу боис оилавий муаммоларнинг олдини олишда фарзандларимизни ҳаётга тайёрлаб бориш жуда муҳим.

Олий маълумот эгаси сифатида бир умр савдо соҳасида меҳнат қилган Хадича ая ҳаёти давомида эл билан эллашиб, одамлар орасида бўлди, уларнинг дардини тинглаб, қўлдан келган ёрдамни аямади.

— Мен аҳоли турмуш даражасини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, одамларнинг хурсанд ҳолда тинчлик-хотир-жамликда яшашлари тарафдориман, — дейди **вазмин оҳангда ая**. — Маҳалла раисимиз Шавкатжон Маҳмудов тадбиркор, халққа қайишадиган инсон. Ҳатто у ўтган



йили ишлаган маошини олмай муҳтож оилаларга сарфлади. Кам таъминланган оилаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш унинг қалб амрига айланган. Халқнинг дардию ташвишларини ҳис қилиб, оғирини енгил қилиш, йиқилганни суяш миллий қадриятларимиздан эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳа, маҳаллада оилавий келиш-мовчилик, ажралишларга барҳам бериш, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий кўмак беришда хотин-қизлар фаоли Дилфуза Раҳмонназарова, профилактика инспектори Латифжон Ҳамидов, ҳоким ёрдамчиси Латифжон Турдалиев, хожиота Ғайратжон Азимов, шунингдек, 6 нафар нуронийлар камарбасталикда мавжуд 3 минг 775 нафар аҳоли таркибидаги 661 та хонадонларнинг ҳар бирини ўрганилиб, адолат мезони асосида «Темир

дафтар» ва «Аёллар дафтари» шакллантирилган.

Ёшлар ва ёш оилаларга панд-насихат, ўғит-маслаҳатлар бериш, боқимандаликдан чиқариш, камбағалликни бартараф қилишда парранда, чорва, тикув машинаси билан таъминлаш ёки тадбиркорлик қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш масаласида Хадичахон ая Л.Турдалиев билан маслаҳатдош. Анъанавий байрамларда хайрия дастурхонлари, ҳомийлик, ҳатто ташкилий-маърифий ишларни ташкил этишда ая бош-қош. Айни пайтда шаҳардаги 5 та маҳалла ўртасида «Балли келинлар» кўрик-танлови лойиҳасининг ташаббускори Хадичахон аядир. Бундай тадбиру йиғинлар, суҳбат ва тарғибот ишлари оилалар осойишталиги, маҳаллалар ҳамжиҳатлигида муҳим аҳамиятга эга.

Марям АҲМЕДОВА.

Шикоятчи билан мансабдор ҳар доим ҳақли эмас...

Тўғриси, бу чалкаш масала бўйича мақола тайёрлашга бироз иймандик. Ҳуқуқий билимимиз етмай, хато қилиб қўйиш, билиб-билмай, ҳалол одамлар номига қора чаплашни ҳеч ким истамайди. Муаммо билан тегишли ҳуқуқ идоралари шуғуллангани маъқуллиги кундай равшан. Аммо мурожаатчи ҳуқуқ ва бошқа тегишли ташкилотлар масалага етарлича эътибор қаратмаётгани, дардини эшитишни истамаётганини иддао қилмоқда. Унинг фикрича, адолатга вақат оммавий ахборот воситалари орқали эришиши мумкин экан.

Хўш, ўзи нима гап? Таҳририятимизга мурожаат қилган Самарқанд шаҳридаги «Кафтархона» маҳалласида яшовчи У.Мансуров мазкур йиғин раиси Тўрақул Имомовни бир неча жиноятларда, юқори турувчи ташкилотларни эса бунга панжа ортидан қарашда айблади. Гўёки, маҳалла раиси Н.Бердиева исмли фуқаронинг бошқа бир фуқародан 23 минг доллар қарзини олишда кўмаклашмаяпти. Аксинча, қарздорни ҳимоялаб келмоқда. Бундан ташқари, Г.Шарипова исмли фуқаронинг ҳовлиси ноқонуний сотилиб кетишига сабабчи бўлган. Яъни унинг турмуш ўртоғига Г.Шарипова ҳовлида яшамаслиги тўғрисида маълумотнома берган. Натижада суд аёлни рўйхат(прописка)дан чиқарган. Турмуш ўртоғида эса уйни сотиш имкони вужудга келиб, бу ишни амалга оширган. Орада ажралиш бўлади.

Эркак бошқа аёлга уйланади. Ундан туғилган фарзанд номига васиятнома ёзиб, вафот этиб кетган. Иккала ҳолатда ўз айбини ёпиш учун маҳалла ходимлари қатор сохта ҳужжатлар, ҳақиқатга тўғри келмайдиган хатлар расмийлаштирилди. Юқоридагилар У.Мансуровнинг жуда узун мурожаатининг қисқа мазмуни. Фуқаро ўзининг ҳақлигини исботловчи қатор хатлар ва ҳужжатларни илова қилган. Аммо ҳуқуқ идоралари, мутахассислар бир неча бор бу масалаларда жиноят йўқлиги тўғрисида хулоса берган. Мазкур ташкилотлар У.Мансуровга ишонимаслиги. Масала юзасидан «Кафтархона» маҳалласи раиси Тўрақул Имомовга мурожаат қилдик. — Маҳаллада амалга оширган ишларим аҳолига ёққан, шекилли, 18 май куни ўтказилган сайловда деярли юз фоиз овоз билан қайта

сайландим, — дейди **Т.Имомов**. — Менимча, инсоннинг ҳақ эканига бундан ортиқ исбот талаб қилинмаса керак. Бу мурожаатбозлик эса анча пайтдан буён давом этмоқда. Биринчи ҳолат бўйича менинг ҳеч бир алоқам йўқ. Мен ҳеч кимга 23 минг доллар қарз ҳам бермаганман, олмаганман ҳам. Муаммо вужудга келганида Н.Бердиевага тегишли ҳуқуқ органларига мурожаат қилиши лозимлиги тушунирилган. Иккинчи масала бўйича эса жуда кўп текширувлар бўлди. Яна қайта текширилса, биз ҳамиша тайёр. Ўзим ҳам чарчаганман. Ёзилмаган жой қолмаган, Олий Мажлис ҳам, прокуратура, ички ишлар ва бошқа қатор идоралар. Тезроқ адолат, ҳақиқат қарор топиши ва масала узил-кесил ҳал этилиши тарафдориман. Қизиғи, У.Мансуров бу мурожаатларда ишончли вакил

ҳисобланади. Н.Бердиева ҳам, Г.Шарипова ҳам ҳозирда АҚШда истиқомат қилади. Ўйлайманки, тегишли ташкилотлар тез орада муаммога барҳам берадилар. Бундан ташқари, Г.Шарипованинг қизи Гулнисо Баҳриева билан суҳбат олиб борганимда, «онам ҳеч кимга ҳеч қачон, ҳеч қанақа ишончнома бермаган» деди. Бизнинг ҳам фикримиз шундай. Иккала томоннинг ҳам ўзларининг ҳақ эканини исботловчи ҳужжатлари бор. Ҳуқуқшунослар масалага узил-кесил нуқта қўйишлари керак. Қонун бузилган, оқибатда фуқаро жабр кўрган бўлса, жавобгарлар топилши, адолат эса қарор топмоғи лозим. Масалага ички ишлар ходимлари, судлар ва бошқа тегишли ташкилотлар жиддийроқ эътибор бермоқлари лозим.

У.ИБОДИНОВ.

ПАРРАНДАЧИЛИК

Товуқ боқиб, тухум сотиб, 27,5 млн. сўм топиш мумкин

Паррандачилик етти хазинанинг бири сифатида этироф этилади. Бу бежиз эмас. Чунки товуқ парваришlash кони фойда. Ахир бундай хонадонда гўшт, тухум муаммоси бўлмайди. Аксинча, эҳтиёждан ортиғини сотиб, даромад топиш мумкин. Парҳез маҳсулот тановул қилган кишининг саломатлиги мустаҳкамланиб бораверади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан парранда гўшти истеъмолнинг тиббий меъёрлари ишлаб чиқилганининг сабаби ана шунда.



200 ТА МАҲАЛЛАДА ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ ҚУРИЛАДИ

Яна бир эътиборли жиҳати, бизнеснинг ушбу турини йўлга қўйиш учун катта жой, кўп харажат талаб қилинмайди. Шу боис қишлоқлардаги деярли барча хонадонда 100 та товуққа мўлжалланган мўъжазгина катаклар қуриб, яхшигина даромад олиш мумкин.

Келинг, фикримизни аниқ рақамлар билан далиллаймиз. Мутахассисларнинг айтишича, битта товуқ йилига 250-300 тагача тухум қўяр экан. Ўртача 275 та тухум олинган тақдирда, унинг ҳар бирини 1000 сўмдан сотсангиз, 275 минг сўм бўлади. Демак, 100 та товуқ парваришлаган хонадон йилига 27,5 миллион даромад қилади. Бу маблағ банкдан катак қуриш, жўжа сотиб олиш, унинг парвариши учун озуқа харидига ажратилган кредитни бемалол узибгина қолмай, балки яхшигина моддий наф қўриш мумкинлигини кўрсатади.

Ёки бўлмаса, гўшт учун парваришланаётган товуқ 40 кун ичида мўлжалдаги вазн — 2 килограмм тош босади. Шу ҳисобда 100 та товуқ ўртача 150

килограмм гўшт қилса, унинг ҳар килоси 20 минг сўмдан сотилган тақдирда, бу 3 миллион сўм деганидир. Энди йил давомида қанча даромад топиш мумкинлигини ўзингиз хомчўт қилиб кўраверинг. Булар кўшимча даромад, албатта.

Қолаверса, паррандачиликда парҳез гўшти тезкор етиштириш ва фойда олиш имконияти катталиги боис уни «чорвачиликнинг локомотиви» дейишади. Айримлар товуқлар сановат усулида парваришланса, бундай натижага эришиш мумкин, дейишлари аниқ. Аммо кўплаб удабурон кишилар уй шароитида паррандачилик ортидан яхши наф қўрапти. Қолаверса, хонаки товуқларни кооперация асосида боқиш яхши самара беради.

Бу ҳақда гап кетганда, Нуробод тумани тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бир йил олдин туман ўзини тухум билан 50 фоизга, парранда гўшти билан 40 фоизга таъминлар эди. Жорий йилда тумanning барча маҳалласига лидер тадбиркорлар инкубатор тарқатиб, аҳоли билан бирга парранда гўшти ва тухум етиштиришни йўлга қўйди. Натижада бугунги кунда ушбу туман ўзини тухум ва гўшт

маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга, Самарқанд шаҳри, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларига ойига 140 мингта тухум етказиб бермоқда.

Президент топшириғига кўра, эндиликда мазкур тажриба ўзининг тухум ва парранда гўштига эҳтиёжини қопламайдиган 50 та тумanning 200 та маҳалласида йўлга қўйилади.

СОҲА ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ?

Арзон, тўйимли ва тез етиштириладиган маҳсулотлар, бу — парранда гўшти ва тухумдир. Лекин кўп вилоятларда парранда гўшти аҳоли талабига яраша етиштирилмаяпти. Бу йўналишдаги 50 дан зиёд йирик қорхона ярим қувватда ишламоқда. Сабаби — ҳудудларда лойиҳаларни танлаш ва жойлаштириш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Уларни озуқа, жумладан, буғдой билан таъминлашда қийинчиликлар мавжуд.

Айни масалаларни ҳал этиш мақсадида 2022 йил 15 июнда соҳага оид муҳим ҳужжат — «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 апрелдан паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, субсидиялар ажратиш ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина «my.vetgov.uz» сайтида рўйхатдан ўтган ҳамда тегишли мезонларга мос келувчи паррандачилик ҳўжаликларига берилади.

2022 йил 1 июндан паррандачилик ҳўжаликлари ва парранда омухта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга дон захираси яратиш учун Марказий банк асосий ставкасида 3 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача револьвер кредитлар ажратилади. Шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш

бўйича мақсадли давлат дастурлари бўйича кредит маблағлари 10 йилгача муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг паррандачилик ҳўжаликлари ва парранда омухта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун «Микрокредитбанк» АТБга йўналтирилган микдоридидаги маблағларини қайтариш муддати 7 йилдан 10 йилгача 5 йиллик имтиёзли давр билан узайтирилади.

Тадбиркорларга уларнинг мавжуд қувватларини тўлиқ ишга тушириш учун олдин ажратилган кредитларнинг қайтариш муддати уларнинг аризасига кўра ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таклифларига асосан, 10 йилгача узайтирилади.

Хулоса шуки, парранда — етти хазинанинг бири, ҳафсала қилган ҳар қандай одам бу беназир бойликнинг калитини қўлга киритиши муқаррар. Ўз оиласи ва атрофидаги одамларни ризқ-насиба билан таъминлашга ҳисса қўшиш эса савобли юмушдир.

Муродилла ПЎЛАТОВ.

ТИББИЁТ

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда трансплантология соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами жуда кенг. Аввало, 2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи асосида трансплантация амалиётларига рухсат этилди. Аммо ўша пайтларда тиббий муассасаларнинг жарроҳлик бўлимлари талаб даражасида жиҳозланмагани, малакали мутахассислар етишмаслиги, айниқса, ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги соҳа ривожини учун ҳали кўп ишлар қилиш кераклигини кўрсатарди.



9 КИШИНИНГ ҲАЁТИ БИТТА ДОНОРГА БОҒЛИҚ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мурдадан орган кўчириш орқали бир одам камида 9 та инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Аллоҳ айтадики, бир кишини қасддан ўлдирган барча инсонларни ўлдиргандай гуноҳга ботади, бир кишига яхшилик қилган эса барча инсонларга яхшилик қилгандай савоб олади. Ислонда яхшилик қилишга шунчалик катта давват бор. Яъни ислон дини вафот этган кишининг органларидан фойдаланишга қарши, деган нотўғри фикр шаклланмаслиги керак.

Жорий йилнинг 11 май куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги қонун ана шундай кўпдан бери кутилаётган, чорасиз кишиларга умид берадиган, турли ноаниқликларни бартараф этадиган мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

СОҲА РИВОЖЛАНИБ БОРАДИ

Аслида, тиббиёт пайдо бўлганидан бери олимлар ва шифокорларни ўйлантириб келган ғоя қанчалик эски бўлмасин, унинг амалга ошиши осон кечмади, XX асрга келибгина инкилобга эришилди. Охириги йилларда эса трансплантология алоҳида йўналиш сифатида жадал тараққийёт йўлини босиб ўтди. Дунё тиббиётида трансплантация соҳасида Ҳиндистон, Исроил, Жанубий Корея, Туркия энг етакчи давлатларга айланди. Қимматлиги, ноёблиги боис бундай операциялар ушбу давлатларга фазнасига мўмай даромад келтираётгани сир эмас. Мамлакатимизда кейинги йилларда тиббиётнинг бу

йўналишига эътибор кучайган бўлса-да, айрим чекловлар, шартлар сақланиб қолаётгани фуқароларга қийинчилик туғдираётган, соҳа ривожига тушов бўлаётган эди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрда қабул қилинган 859-сонли қарорига биноан, донорлик фақат қариндошлар орасидагина амалга ошар, айрим ҳолларда эса қариндошлари орасидан донор топилмаган беморнинг омон қолиш имконияти пасаярди. Янги қонуннинг муҳим жиҳати — эндиликда қариндош бўлмаган инсонлар ўртасида орган ва тўқималар кўчирилаверади.

— Трансплантология борасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мазкур қонун билан орган кўчириш операцияларининг давлат муассасаларидагина амалга оширилишига рухсат берилди, — дейди тиббиёт фанлари доктори Миршавкат Акбаров. — Академик Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида биринчи бўлиб 2016 йилда буйрак трансплантациялари бошланган ва бу амалиётлар мураккаб саналган бўлса, бугунги кунга келиб кундалик ишларимиздан бирига айланган. Бундан ташқари, илгари жигар трансплантацияси бўйича ўн минглаб беморларимиз қийналиб юришган, минг машаққатлар чекиб чет элларга бориб операция қилдирган бўлсалар, юртимизга қайтишгач, бундай амалиётдан кейин бемор билан шуғулланадиган мутахассисларимиз йўқлиги сабаб бошқа мураккаб вазиятларга дуч келишган. Янги қонун шундай ҳолатларга барҳам берибгина қолмай биз мутахассисларга келажақда юрак трансплантацияси, ўпка трансплантациясидек

энг мураккаб амалиётларга қўл уришимиз учун журъат ҳамда ваколат берди.

ИЧКИ АЪЗОЛАР САВДОСИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Қонуннинг 10-моддасида инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси реципиентнинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши, ушбу жараён мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этилиши белгиланганки, мазкур чоралар нафақат донор-реципиент манфаати, балки мутахассислар ҳуқуқини ҳам ҳимоя остига олади.

Қайд этилишича, тирик донордан аъзолар ва тўқималарни олишда мажбурлашга йўл қўйилмайди. Ҳаммаси ихтиёрий бўлиши керак. Қолаверса, тирик донордан аъзоларни ёки тўқималарни олиш унинг соғлиғига, кўриш, нутқ, эшитиш қобилияти йўқолишига таъсир қилмаслиги, меҳнат қобилияти ўттиз уч фоиздан ортиқ тарзда барқарор йўқолишига олиб келадиган бошқа соғлиқ бузилишига сабаб бўлмаслиги керак.

Қонунда чекловлар мавжуд. Хусусан, кимларнинг донор бўла олмаслигига аниқлик киритилган. Чет давлат фуқаролари учун Ўзбекистон фуқароларининг органларини трансплантация қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Трансплантация учун инсон аъзоларининг ёки тўқималарининг олди-сотдиси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши тақиқланади. Тирик донор ва реципиент тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилиши мумкин эмас.

Қонуннинг 19-моддасида инсон аъзоларидан ва тўқималаридан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, трансплантацияга муҳтож шахсларга

“

Энди мурда донор бўла олади. Фақат бунинг ўзига хос талаблари бор. Яъни инсон аъзолари ва тўқималарини мурдадан олиш фақат унинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган, ёзма розилиги мавжуд бўлганда ҳамда бош мия ўлими, биологик ўлим қайд этилганидан сўнггина амалга оширилади.

тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ягона давлат реестри ташкил этилиши, реестр маълумотлари сир сақланиши қатъий белгиланди.

Энди мурда донор бўла олади. Фақат бунинг ўзига хос талаблари бор. Яъни инсон аъзолари ва тўқималарини мурдадан олиш фақат унинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган, ёзма розилиги мавжуд бўлганда ҳамда бош мия ўлими, биологик ўлим қайд этилганидан сўнггина амалга оширилади.

— Ҳозирги кунда қариндошлик ўртасидаги буйрак, жигар трансплантацияси бўйича дунёнинг етакчи клиникалари натижаларига етиб олганмиз,

— дейди Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирург-трансплантолог Зоҳиджон Маткаримов. — Лекин шу пайтгача мурдадан аъзолар ва тўқималар олишга рухсат йўқ эди. Қонунда бунга рухсат этилгани трансплантология соҳасини янада кенгайтиради. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, трансплантологиянинг мақсадини, инсонга ҳаёт бағишлашни, мазкур қонуннинг моҳиятини аҳолига тўғри тушунтириш, кўпроқ тарғиб этиш керак. Оддий мисол, оғир ётган бемордан, яъни ўлими муқаррар кишидан бирор аъзони олиб муҳтож беморларга қўйсақ, бир эмас 9 нафар инсоннинг ҳаётини сақлаб қоламиз. Яъни юрак бир кишига, буйрак икки кишига, жигар икки кишига, ошқозонности беги бир кишига, ичак яна бир беморга қўйилса, 4 нафардан 9 нафаргача бемор яшаб қолади. Ахир, бу савоб-ку!

Дарҳақиқат, қонундан кутилаётган натижалар кўп. Мамлакатимизда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий база яратилишига асос бўлиш билан бирга, соҳада ноқонуний амалиётлар пайдо бўлишининг олдини олиши — мазкур қонуннинг бирламчи хусусияти. Қолаверса, юртдошларимиз трансплантация учун хорижий давлатларда сарсон бўлишмайди, чорасизлик туфайли ҳаётдан эрта кетишмайди, демак, минглаб дардмандларга нажот, уларнинг оила аъзоларига қувонч келади.

Бу — ислохотларнинг «Инсон қадрини учун!» деган эзгу ғояга хизмат қилаётганининг яққол далили аслида.

У.ИБОДИНОВ.

ҲОДИСА

Олти ойда 60 одам чўкиб кетиши ёмон

Ёз бошланиб, мавсум билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, фожиалар кўпаймоқда. Афсуски, ҳар йили чўмилиш мавсумида юзлаб фуқароларимиз ҳалок бўлади. Жорий ёз ҳалокатлар доимгидан-да кўпроқ кузатилмоқда. Маълумотларга қараганда, шу кунгача 60 нафарга яқин фуқаро сувда чўкиб, ҳалок бўлди. Ўрганишлар уларнинг аксарияти рухсат этилмаган жойларда чўмилган, айримлари ўз эҳтиётсизлиги натижасида сувга тушиб кетганини кўрсатяпти.

АЙРИМ ТАФСИЛОТЛАР МАЪЛУМ...

Албатта, мазкур фожиалар билан боғлиқ ҳолатларни санаб, кўнглингизни хира қилмоқчи эмасмиз. Аммо одамларни хушёрликка чорлаш, эҳтиёт бўлишга ундаш учун баъзан тафсилотлар ҳам зарур. Масалан, 8 июнь куни Ургут туманидаги «Раҳматобод» маҳалласида яшовчи 2006 йилда туғилган 16 ёшли ўсмир йиғин ҳудудидан оқиб ўтувчи каналга тушиб кетиб, ҳалок бўлди. Боланинг жасадини топиш учун бутун маҳалладан 65 нафар фуқаро, туман ИИБ ходимлари ҳамда туман ФВБ мутахассислар иштирокида қидирув ишлари олиб борилган. Майит 16 июнь куни «Бойбул» маҳалласи ҳудудидан ўтган Янги Дарғом канали қирғоғидан топилди.

Худди шундай, май ойида Нишон туманидаги 42-умумтаълим мактаби ўқувчилари туман ҳудудидан ўтган каналга чўмилиш жараёнида 9-синф ўқувчиси чўкиб кетган. Фавқулдда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари ўқувчининг жасадини сув остида олиб чиқишди. Қамаш туманида эса «Қизилтепа» маҳалласида яшаган 25 ёшли йигит сув омборига чўкиб кетди. Маълум бўлишича, фуқаро ҳудуддаги Лангар сув омборига чўмилиш учун ўртоқлари билан борган ва тушдан кейин омбор-

га тушиб, чўкиб кетган. Фарғонада эса аёл икки нафар фарзанди билан Фарғона каналида чўкиб ҳалок бўлди. Гулистонда Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, Урганчда 9-синфда ўқийдиган бола... Фожиаларни тўхтовсиз санаш мумкин.

НЕГА КўПРОҚ ЁШЛАР ЧўКИБ КЕТЯПТИ?

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қурбонлар, асосан, ёшлардан иборат. Улар сув ҳавзаларига дам олиш учун кўпроқ боришади, хавфлардан чўчишмайди, айрим ҳолларда эса спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўмилишга тушишади.

— Чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига эътиборсизлик, масъулиятсизлик сабаб, — дейди Бухоро вилояти ФВБ ахборот хизмати раҳбари Қаҳрамон Сатторов. — Фавқулдда вазиятлар тизими ходими юз берган ҳолатда зудлик билан ёрдам кўрсатади, бироқ ота-оналар мана шу масалани бироз нотўғри тушунади. Энг биринчи ўринда масъулият, хушёрлик бўлса, инсон ҳаёти хавф остида қолмайди.


Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ходимлари ҳар йили мавсумга тайёргарлик борасида қатор тадбирларни амалга оширади. Маҳаллалар, қишлоқларда, канал ва бошқа ҳавзалар атрофидан яшайдиган аҳоли

билан тушунтириш ишлари олиб борилади. Хавфли ҳавзаларга таъқиқ белгилари ўрнатилади. Аммо айрим фуқаролар белгилар, огоҳлантиришларга бефарқлиги туфайли фожиалар содир бўлиши тўхтамайпти.

БОЛАЛАРНИ ЧўМИЛИШГА ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ МУМКИН?

Чўкиш билан боғлиқ фавқулдда ҳолатларнинг олдини олиш борасида нималарга эътибор бериш керак?

Мутахассислар болалар ёки биринчи марта сувга тушган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойи 60-90 сантиметргача чуқурликдан ошмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Очiq сув ҳавзаларида сузишга ўрганишда, албатта, сувнинг чуқурлиги билан бирга, оқим тезлигини эътиборга олиш лозим. Оқим тезлиги дақиқасига 10 метрдан ошмаслиги зарур. Ёз ойларида фарзандларимизни сузишга ўргатиш вақтини тўғри танлаш керак. Айрим ота-оналар куннинг иссиқ пайтидагина (соат 13:00-15:00) сузишга ўргатишга ёки чўмилишга рухсат беришади. Аслида эса эрталаб соат 10:00 дан 12:00 гача ва кечкурун соат 17:00 дан 19:00 гача қуёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўлади ва ана шу соатларда чўмилиш жуда фойдали. Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқача давом этиши мумкин.



Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жабрланувчининг аста-секин борилади. Агар у хушида бўлиб, юрак фаолияти ва нафас олиши сақланган бўлса, унинг бошини пастга эгган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва шундан кейин ечинтириб, ҳўл ёки қуруқ сочиқ билан артиш керак.

Унда боланинг ёши, сузишга тайёргарлиги, сувнинг ҳарорати эътибор бериб, сузиш муддати аста-секин ошириб борилади. Ёз пайтлари катта ёшдаги болалар сув ҳарорати +18 бўлганда, кечик ёшлардагилар +20, +28 дан кам бўлмаганда, очiq сув ҳавзаларида чўмилишлари мумкин. Агар сувнинг ҳарорати +16 дан паст бўлса, чўмилмаслик керак. Сувга тушишдан олдин бош, кўкракни қўллаб, сўнг шўнғиб олиш даркор.

Фожиаларга, асосан, ота-оналар, катталар томонидан назорат бўшаштирилгани, маҳалла, мактаб ва бошқа хизмат ходимларининг ёшлар

орасида тушунтириш ишлари қоникарсиз олиб борилаётгани, шунингдек, болаларнинг суза олмасликлари сабаб бўлади. Шуни эслатиб ўтиш зарурки, фақат қутқарув хизмати бўлган жойлардагина чўмилишга рухсат этилади.

ЧўКАЁТГАН ХАСГА ЁПИШАР...

Чўкаётган одамни сувдан олиб чиқиш катта маҳорат талаб этади. Бунда бир неча қутқариш усуллари мавжуд. Улардан бири – чўкаётган кишига орқа томонидан сузиб яқинлашиш, сочи ва қўлтиғи остидан ушлаб, юзини тепага қаратиб, ўзингизни ушлаб олишга йўл қўймаган ҳолда қирғоққа қараб сузиш керак. Ҳаракат усулларида яна бири жабрланувчининг чангак кучоғидан ушлаб олишдир.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жабрланувчининг ахволига боғлиқ. Агар у хушида бўлиб, юрак фаолияти ва нафас олиши сақланган бўлса, унинг бошини пастга эгган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва шундан кейин ечинтириб, ҳўл ёки қуруқ сочиқ билан артиш керак. Имконияти билан унга иссиқ ичимлик (чай, қахва, ёши катталарга 1-2 ош қошиқ спиртли ичимлик ҳам бериш мумкин) ичириб, иссиқ кўрпа билан ўраш ва дам олдириш талаб қилинади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табоқ.
10 850 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.